O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 23 (9.061) * 1998 йил 27 февраль, жума * Сотувда эркин нархда

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

Президент Ислом Каримов раислигида 25 февраль куни республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда 1997 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ва 1998 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ва Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирлар, давлат қўмиталари, концернлар, корпорациялар, уюшма ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди.

Бош вазир ўринбосари, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В.Чжен, Марказий банк бошқаруви раиси Ф.Муллажонов, «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси раиси Б.Носиров, «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси раиси Б.Эргашев, коммунал хизмат кўрсатиш вазири В.Михайлов, адлия вазири С.Мирсафоев, республика Бош прокурори Б.Мустафоев муҳокама этилган масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш якунлари ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини 1998 йилда ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги

МАЪРУЗАСИ

Муҳтарам мажлис қатнашчилари!

Азиз дўстлар!

Яхши биласизларки, биз кейинги йилларда иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич, қадам-бақадам ўтказиш, уларни ҳар бир босқич талабларидан келиб чиққан ҳолда чуқурлаштириш, ҳар бир босқичнинг энг устувор йўналишларини ва мақсадларини белгилаб олиш, кўзланган марраларга эришишнинг механизм ва йўлларини барпо этиш, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш борасида бутунлай янги йўлни ишлаб чиқдик.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, ўтган йилга жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш, иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада бир йилга мўлжалланган устувор вазифалар қай даражада амалга оширилганини танқидий кўз билан қараб баҳолаш тажрибамиз ижобий натижасини намоён қилмоқда.

Йил сарҳисоби, энг аввало, иқтисодиётдаги ҳақиқий аҳволга тўғри баҳо бера олишимиз учун зарурдир. У ўтган йилда иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳа тараққиёти ва тузилмасида қандай ижобий ҳодисалар рўй берганини, бозор муносабатлари хўжалик фаолиятимизга қай даражада чуқур кириб борганини, иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш йўлида нималар тўсиқ бўлаётганини аниқлаш имконини бермоқда.

Албатта ,бажарган ишларимизга якун ясашда кўзбўямачилик, ўзимизни алдаш билан шуғулланмаслигимиз ва хотиржамликка берилмаслигимиз керак.

Ўтган ишларга якун ясаб, бу йилги ислоҳотларнинг мақсад ва устувор йўналишларини белгилар эканмиз, бу билан, **авваламбор, халқимиз олдида, жамиятимиз олдида ҳисоб берамиз.** Шу билан бирга, ўз зиммамизга навбатдаги йил учун маълум мажбуриятлар оламиз.

1997 йил якунларини кўриб чиқиш ҳамда 1998 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини белгилашга ҳам айнан мана шу нуқтаи назардан ёндошиш лозим.

1997 йил биз учун қандай йил бўлди?

Шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, 1997 йил Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни маънавий янгилаш борасидаги дадил ҳаракатининг навбатдаги босқичи бўлди.

Ўтган йил Ўзбекистонимиз учун чет давлатлар билан самарали сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик йили бўлди. Мамлакатимизнинг халқаро нуфузи, обрў-эътибори ортди. Минтақа ва халқаро майдондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш бўйича бир қанча муҳим тадбирлар амалга ошди.

Шуни фахр билан айтамаки, асосий ютуғимиз 1997 йил учун муҳим устувор йўналишларни аниқ белгилаб олганимизда бўлди. Шу боис, бутун эътиборимиз бу вазифаларни оғишмасдан бажаришга қаратилди, зарур ресурслар ўз вақтида оқилона сафарбар қилинди. Шу туфайли ўтган йилда олдимизга қўйилган вазифалар асосан бажарилди.

Энг аввало, бош вазифамиз — макроиқтисодий барқарорликка эришиш борасида ўтган йилларда қўлга киритилган ижобий натижалар янада мустаҳкамланди, иқтисодий ўсиш учун ишончли база яратилди.

Ўтган йили ялпи ички маҳсулот 5,2 фоиз ўсди. Биринчи марта ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли сони ўсиши даражасидан ошди. **Бу ялпи ички маҳсулот ҳажмини аҳоли жон бошига 3,2 фоиз кўпайтириш имконини берди.** Халқаро тажрибадан маълумки, айни шу кўрсаткич давлатнинг иқтисодий қудрати ва кишилар турмуши фаровонлиги ошишининг мезони бўлиб хизмат қилади.

Республикамизда эътиборга лойиқ энг муҳим омил — ўсишнинг мустаҳкам базаси яратилганидир. Шу маънода мен 1997 йил натижаларини собиқ шўролар ҳудудидаги бошқа давлатлар натижалари билан таққослашни ўринли деб биламан. Бу давлатларда ўсиш жараёни даражаси ишлаб чиқариш ҳажми беҳад пастга тушиб кетган йиллардаги натижаларга нисбатангина ижобий бўлиб туюлиши мумкин, холос.

Хўш, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш нималар ҳисобидан юз бермоқда, қандай пойдевор асосида қурилмоқда?

Биринчи навбатда республикада иқтисодий ислоҳотлар ва янгиланишлар дастурини амалга оширишнинг дастлабки қунларидан бошлабоқ, асосий эътибор иқтисодиёт тузилмасини муайян равишда яхшилаш, унинг бир томонлама, хомашё базаси сифатидаги йўналишидан воз кечишга қаратилди ва ҳозир ҳам шундай қилинмоқда.

Ўзбекистон собиқ шўролар ҳудудидаги саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1997 йилда 199О йилдаги бошланғич даражадан 12,7 фоиз, жумладан, 1996 йилга нисбатан 6,5 фоиз ортган ягона мамлакатдир.

Ўзбекистоннинг 1997 йилдаги иқтисодий ўсишига энг аввало иқтисодиётда ўзлаштирилган капитал маблағ ҳажмининг ошгани /17фоиз/, замонавий технология билан жиҳозланган янги саноат объектлари қурилиши ва ишга туширилгани туфайли эришилди.

Иқтисодий ўсиш иқтисодиётнинг деярли барча соҳа ва секторларида ишлаб чиқариш ҳажми ошгани билан бевосита боғлиқдир. Бу кўрсаткич саноатда 1О6,5, қишлоқ хўжалигида 1О5,8,қурилишда 1О2,6, савдода 112,7, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида 121,3 фоизни ташкил этади.

Биз аҳоҳида эътибор бераётган асос соҳалар барқарор ва муқим ишламоқда. Нефть қазиб олиш, газ конденсати, табиий газ, ёнилғи-мойловчи материаллар, электр қуввати, кўмир, қимматбаҳо металлар ва бошқа стратегик аҳамиятга молик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди.

Пахта хомашёси, ғалла етиштириш ҳам ошди. Бу қайта ишловчи ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи соҳалар учун мустаҳкам база яратибгина қолмай, республиканинг иқтисодий мустақиллигини ҳам мустаҳкамлади.

1997 йилда халқ хўжалигининг асос соҳалари билан бир қаторда, илғор, фан билан узвий алоқада бўлган соҳалар — автомобилсозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, электротехника саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, шунингдек, биз учун етакчи бўлган истеъмол товарлари, жумладан, болалар учун истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган енгил ва озиқ-овқат саноати ҳам янада ривожланди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 1997 йилнинг ўзида 11,2 фоиз кўпайди.

Нефть ва газ қазиб олиш ҳамда уларни қайта ишлаш саноати, рангли металлургия, автомобиль саноатида барпо этилаётган қудратли салоҳият макроиқтисодий барқарорликка ва охир-оқибатда бутун иқтисодиётга ижобий таъсир ўтказувчи, ҳаракатлантирувчи асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Иккинчидан. **Иқтисодиётдаги ўсиш — инфляцияга қарши, молиявий барқарорлик ва пул муомаласи тизимини мустаҳкамлаш борасидаги тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилгани натижасидир.**

1997 йилда давлат бюджетининг даромад ва харажат бўйича мўлжалланган кўрсаткичлари ҳам бажарилди. Бунда бюджет камомади мўлжалдагидан анча паст бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,2 фоизни ташкил этди.

Шуниси муҳимки, бу камомад инфляциядан холи бўлган манбалар — қисқа муддатли давлат облигацияларини 1,5 фоиз сотиш ва банк кредитларидан тушган даромадлар ҳисобидан қопланди.

1997 йилда нақд пул эмиссиясини назорат қилиш ва бошқаришнинг янги механизми жорий этилиб, самарали ишлай бошлади. Жойларда аҳолига савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш, пул массасини товар билан мустаҳкамлаш масалалари билан фаол шуғулланилди. «Ўзбексавдо» ва «Ўзмаишийиттифоқ» тизимларининг янги асосда қайта ташкил этилгани ҳам бунга кўмаклашди.

1997 йилнинг январь-декабрь ойларида нақд пул эмиссияси 1996 йилдаги 26 фоиз ўрнига 7,8 фоизни ташкил этди. Бу ўринда **шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бюджет ташкилотлари ходимларининг маошлари, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида тўланиши таъминланмоқда.**

Изчил пул-кредит сиёсатининг ўтказилиши туфайли умумий пул массаси ошиши суръати кескин равишда — 2,9 марта пасайди. Бу эса, инфляция даражасини жиловлашда, қисқартиришда ўз аксини топди. Инфляциянинг ўрта ҳисобдаги ойлик суръати 2,1 фоизни ташкил этди ёки 1996 йилдагига қараганда 2 баравар камайди.

Учинчидан. **Пул муомаласининг мустаҳкамланиши, инфляция даражасининг пасайиши аҳолини аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш ва унинг даромадини кўпайтириш бўйича амалга оширилган тадбирлар билан биргаликда аҳолининг кўпгина қатламлари моддий аҳволини сезиларли даражада яхшилаш имконини берди.** 1997 йилда аҳолининг муайян пул даромадлари жон бошига кўзда тутилгандан 1О,5 фоиз ошди.

Аҳолининг даромадлари ошибгина қолмай, уларнинг манбалари ҳам ўзгармоқда. Барча даромадларнинг қарийб чорак қисми тадбиркорлик фаолиятидан тушмоқда. Якка меҳнат фаолиятидан тушган даромад улуши 2 мартадан ошиқроққа кўпайди. Деҳқон хўжаликлари фаолиятидан тушган даромад ҳам салмоқли манбага айланди. Буларнинг барчаси бозор муносабатларининг иқтисодиёт ва ҳаётимизга самарали жорий этилаётганидан далолатдир.

Сўмнинг харид қобилияти мустаҳкамлангани ҳамда оилаларнинг муайян даромадлари ошганини алоҳида қайд этиш лозим.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат, барпо этилган аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза тизими, ижтимоий таъминот ва серфарзанд оилаларга ёрдам тизимининг ислоҳ қилингани жамиятимизда фуқароларнинг даромадлар бўйича қутбларга ва гуруҳларга ортиқча бўлинишининг олдини олди, аҳолининг қашшоқлашувига йўл қўймади.

Аҳолининг пул даромадлари таҳлили шуни кўрсатадики, аҳолининг кам ва ўрта даромад оладиган гуруҳларининг фаровонлиги ошиши ҳисобига энг кўп ва энг кам даромадлар орасидаги фарқ бугунги кунда 7,5 мартадан ошмайди.

Биз барпо этган тизимнинг яна бир устунлиги шундаки, кўпчилик оилалар томорқага, яъни, муайян даромад манбаига, ўзини зарур нарсалар билан таъминлаш имконига эгадир. Бунинг учун тер тўкиш, сидқидилдан меҳнат қилиш керак, холос. Шунинг учун ҳам бизда ишсизлик масаласи у қадар долзарб эмас.

Буларнинг барчаси — **Инсон манфаатлари йили** деб эълон қилинган 1997 йилдаги муайян тадбирлар Дастурининг изчиллик билан амалга оширилгани натижасидир.

Бу борада айнан нималар қилинди, деган савол туғилиши мумкин.

Ижтимоий-маданий тадбирларни молиявий жиҳатдан таъминлаш дастурининг амалга оширилиши учун давлат бюджетидан 123 миллиард сўм ёки барча бюджет харажатларининг қарийб 4О фоизи ажратилди. Шу жумладан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши учун 3О миллиард сўм, соғлиқни сақлаш, газлаштириш, сув таъминоти ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари қурилиши учун 34 миллиард сўм ажратилди.

Бу — йил давомида 6,7 миллион квадрат метр уй-жойни ишга тушириш имконини берди. Шундан 5,4 миллион квадрат метр уй-жой қишлоқда барпо этилди. Тураржой сертификатлари бўйича сотиб олинадиган уй-жой нархининг 5О фоизини қоплаш учун бюджетдан 1,2 миллиард сўм ажратилди.

64 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 1,5 минг беморга мўлжалланган шифохоналар, бир сменада 11,7 минг кишини қабул қиладиган поликлиникалар қурилди. Янги ишга туширилган ижтимоий соҳа объектларининг учдан икки қисми қишлоқда барпо этилди.

Аҳоли пунктларини сув ва газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш борасида 4,9 минг километр газ тармоғи ҳамда 1,8 минг километр сув қувурлари тармоғи қурилиб ишга туширилди.

Қишлоқ жойларда 159 та қишлоқ тиббиёт пункти ишга туширилди, 2О2 та тиббиёт муассасаси қишлоқ тиббиёт пунктларига айлантирилди. Европа Ҳамжамияти Комиссияси кредити ҳисобига 5,3 миллиард сўмлик дори-дармон ва тиббиёт жиҳозлари сотиб олинди.

Бундан ташқари, 3О хил янги дори-дармон ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Мураккаб ўлка шароитимизда ўта зарур бўлган қонга қуйиладиган суюқ эритмалар ишлаб чиқариш бошланди.

Тошкентда «Чорсу» спорт-соғломлаштириш мажмуи, «Юнусобод» ёпиқ теннис корти, бошқа бир қанча спорт ва соғломлаштириш муассасалари қурилиши тугалланди. Тошкентдаги ҳайвонот боғининг биринчи навбати қуриб битказилди.

Ногиронларни даволаш бўйича республика маркази ташкил этилди. Тошкентда, Навоийда ва Фарғонада болалар ва катталар учун полиэмилит марказлари қурилди. 16 ёшгача бўлган фарзанди бор оилаларга нафақа тўлаш учун 9,6 миллиард сўм сарфланди.

Илк бор 1-синф ўқувчилари ўқув қуроллари билан, камхарж оилаларнинг бошланғич синфларда ўқийдиган фарзандлари қишки кийим-бош билан таъминланди. Мактаб ва олий ўқув юрти ўқитувчиларининг турмуш шароитини ва меҳнатига ҳақ тўлашни яхшилаш борасида муайян тадбирлар амалга оширилди.

Бадиий академия ташкил этилди. Академия кишиларни тасвирий санъат, халқ ижодиёти жавоҳирларидан баҳраманд этади, кишилар онгида юксак маънавий фазилатлар ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради.

(Давоми 2-бетда).

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Олий Мажлис Кенгаши мажлисида парламент ва унинг раҳбариятининг ўтган йилги фаолияти муҳокама этилди.

◆ Олий Мажлис ўнинчи сессиясида биринчи ўқишда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди.

◆ Кеча «Нуроний» жамғармасида Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида 25 февралда бўлиб ўтган мажлисда қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

◆ Тошкентдаги Аброр Ҳидоятов номли театрда Маданият ишлари вазирлиги «Мустақиллик ва ўзбек театр санъати» мавзуида икки кунлик семинар-кенгаш ўтказди.

◆ Сирдарё вилояти Деҳқонобод туманидаги «Дўстлик», Сайхунобод туманидаги «Шўрўзак» хўжаликларида янги мактаблар, Ховос туманидаги «Оқчангал» хўжалигида эса врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

◆ «Андижон-Бухоро» йўловчилар поезди эндиликда Наманган шаҳри орқали қатнайдиган бўлди.

◆ Самарқанд шаҳрида «Ўзбектуризм» буюртмаси бўйича 250 ўринли тўрт юлдузли «Президент-отель» меҳмонхонаси қуришга қарор қилинди.

◆ Вазирлар Маҳкамаси қарори билан мартда республикада ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ўтказилади.

◆ Бугун Тошкентдаги Киночилар уйида «Германиянинг тўққиз ўн йиллиги фильмлари» туркумида 30-йилларда яратилган иккита немис мумтоз фильми намойиш қилинади. Ушбу туркум бўйича ойига Германиянинг ўтган ҳар ўн йилликдаги энг яхши иккитадан фильми намойиш этилиши мўлжалланган. Жумладан, март ойида немис киносанъаткорларининг 40-йилларда яратган энг яхши иккита фильми томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

◆ Бугун пойтахтдаги Ҳамза номли театрда «Чимилдиқ» спектаклининг юзинчи томошаси кўрсатилади. Ушбу саҳна асари ғоят катта муваффақият қозонди. У Миср санъат ихлосмандларига ҳам намойиш этилган.

ЖАҲОНДА

◆ Бугун Бирлашган тожик мухолифатчиларининг етакчилари Саид Абдулло Нурий ва Акбар Тўражонзоданинг Техрондан Душанбега келишлари кутилмоқда. Саид Абдулло Нурий Эрон ташқи ишлар вазирининг Россияга ташрифи доирасида Москвада, шундан сўнг Техронда мухолифатчиларнинг Тожикистон маъмурлари билан ахдлашувлари ижроси бўйича музокаралар олиб борди. Мухолифатчилар етакчиларидан бири Акбар Тўражонзода ушбу ахдлашувларга мувофиқ Тожикистон ҳукуматида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимини эгаллаши керак.

◆ Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев 2005 йилгача бўлган даврда мамлакатда камбағалликкa қарши кураш дастурини тасдиқлади. Ушбу чора-тадбирлар мажмуида аҳолининг ғоят ночор қисмига ижтимоий ёрдамни кучайтириш, қўшимча иш жойлари ташкил этиш ва бошқа режалар кўзда тутилган.

◆ Грузияда ўзларини собиқ президент Звиад Гамсахурдиа тарафдорлари, деб эълон қилган террорчилар БМТнинг гаровга олган барча кузатувчиларини озод қилдилар. Террорчиларнинг бир қисми қўлга олинди. Лекин улар етакчиси Гоча Эсебуа ғойиб бўлди.

◆ Куба раҳбари Фидель Кастро навбатдаги муддатга мамлакат қонун чиқарувчи олий органи — Давлат кенгашининг раиси этиб сайланди.

◆ Кеча ва бугун Литва Президенти Вальдас Адамкуснинг давлат раҳбари лавозимини бажаришга киришиш тантаналари бўлиб ўтди. Шуниси эътиборга моликки, 40 йил давомида Америкада яшаган Вальдас Адамкус Президент сифатида қасамёд қилиш арафасидагина АҚШ фуқаролигидан воз кечиб, Литва фуқароси бўлди.

◆ Биринчи бор мухолифатчилардан Жанубий Корея Президенти этиб сайланган 72 ёшли Ким Де Чжуннинг лавозимини эгаллаш тантаналари бўлиб ўтди. У Шимолий Корея маъмурлари билан тинчлик музокараларини бошлашни ўз сиёсатининг энг муҳим йўналиши, деб кўрсатди.

◆ Шарқий Европа мамлакатлари бўйлаб сафар қилаётган НАТО Бош котиби Хавьер Солана кеча Будапештда Венгрия раҳбарияти билан музокаралар ўтказди. У 1999 йилда Шарқий Европа мамлакатларининг НАТОга аъзо бўлиб қабул қилинишлари 1,5 миллиард долларга тушишини айтди. Аммо бу маблағнинг кичик бир қисминигина янги аъзолар ажратадилар.

◆ Буюк Британиянинг «Транс воур групп» компанияси ўзининг Қозоғистондаги фаолиятини тўхатишини эълон қилди. Бу республикада тўртта йирик металлургия комбинатига ташқи раҳбарликни амалга ошираётган ушбу компания инвестиция ажратишда маъмурлар билан кескин зиддиятга борганлиги сабабли шу қарорни қабул қилди. Қозоғистонда танглик кескин тус олган металлургия саноатини, айниқса алюминий ишлаб чиқаришини ривожлантиришга қўшимча сармоялар жалб этиш мақсадида бу ерда Россия, Украина ва Қирғизистон билан биргаликда «Союзметаллресурс» миллатлараро компаниясини ташкил этишга киришилмоқда.

◆ Албаниянинг катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи Скодере шаҳрида собиқ президент Сали Болеш тарафдорлари томонидан ғалаён кўтарилиши сабабли маъмурлар фавқулодда ҳолат, эълон қилдилар. Ҳозирнинг ўзида маъмурлар бу шаҳарда вазиятни барқарорлаштиришга муваффақ бўлдилар.

◆ Россия Либерал-демократик партиясининг етакчиси Владимир Жириновский ўз асарларининг дастлабки уч жилдини тақдим этди. У Россия фуқаролари учун мўлжаллаб ҳар ойда асарларининг биттадан жилдини чиқариш ниятида. Шу тарика 2006 йилгача у юз жилдлик асарларини чоп этиб бўлиш ва бу кўрсаткич бўйича Владимир Ильич Лениндан ўзиб кетишни ўз олдига мақсад қилиб қўйибди.

МАРКАЗ ЗИММАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР

Қарор ва ижро

Газетамизнинг аввалги сонида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида» Қарор қабул қилгани, унга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази ташкил этилгани ҳақида хабар берган эдик. Ушбу ҳужжат юзасидан қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Мирсардор Алимов билан суҳбатлашдик.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига кўра янги ташкил этилган Марказ зиммасига салмоқли вазифалар юкланган. Аввало академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этишда қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Тошкент шаҳар умумтаълим мактабларининг 9-синфларини ҳар йили тахминан 30—33 минг ёшлар битиради. Шу кунгача битирувчиларнинг тахминан 60 фоизи умумтаълим мактабларининг 10-синфига, 20 фоизи ҳунар-техника билим юртларига; 10 фоизи давлат ва хусусий корхоналарга кирардилар. Шунингдек 8 фоизи турли курсларда ўқишарди, 1 фоизи эса ҳеч қаерда ишламас ва ўқимасди.

Янги таълим қонунига кўра академик лицейларга иқтидорли, юқори даражада таълим олишга қизиқувчилар танлаб олиниши зарур. Шуларни ҳисобга олсак, академик лицейларга барча мактаб битирувчиларининг тахминан 10—15 фоизи танлов асосида ўқишга қабул қилиниши керак. Бу турдаги академик лицейларнинг ҳар бирида ўртача 800 нафар ўқувчи таълим-тарбия олиши кўзда тутилган. Уларга шаҳар бўйича жами 4000—5000 нафар ёшлар таълим олишини ҳисобга олсак, шаҳримиз бўйича атиги 10 та, яъни ҳар бир туманда биттадан ўзбек ва рус тиллардаги академик лицейлар ташкил этилади. Қолган барча 9-синфларни битирувчилар, яъни 25—28 минг нафар ўқувчи касб-ҳунар таълими тизими орқали мажбурий ўқитилиши керак бўлади.

Шунга кўра янги Марказ зиммасига ўрта махсус, касб-ҳунар таълими фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш, уларнинг йўналишларини белгилаш, моддий жиҳатдан таъминлаш, давлат таълим стандарти ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини назорат қилиш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига педагог ва муҳандис-педагог кадрларни танлаш, тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш кабилар юклатилган.

— Сиз айтаётган ўзгаришлар инобатга олинадиган бўлса янги касб-ҳунар коллежларини қуриш, моддий жиҳатдан таъминлаш учун жуда катта маблағ керак бўлади...

— Ҳозирги кунда 37 та касб-ҳунар ўқув юртларида 18400 та ўқувчи ўрни бор, холос. Уларнинг ҳаммасини ўқишга жалб қилиш учун эса яна 12-15 та намунали биноли ўқув муассасаси керак бўлади. Ҳисобланган харажат сметаларига кўра янги турдаги академик лицей ва коллежларнинг моддий-техника ва ахборот базасини ривожлантириш учун ўрта ҳисобда 24 миллион сўм маблағ сарфлаш зарурати туғилади. Бундан ташқари 10 та академик лицей ва 60—65 та коллежлар учун замонавий компьютер жиҳозлари талаб этилади. Замонавий компьютер жиҳозлари таркибига 11 та комплектли компьютерлар (ҳар бири ўзининг мустақил хотирасига эга бўлиши зарур), «Интернет» тизимига уланган алоҳида компьютер, ўқувчилар мустақил фойдалана оладиган дискет, лазер-оптик дискетлар, мультимедиа тизими мавжуд бўлган мустақил иш хонасидаги компьютерлар, фойдаланиш учун ўқув дастурлар пакетлари, компьютерларга уланиши зарур бўлган телевизор ва видеомагнитофонлар киради. Ҳунар-техника коллежларида ишлаб чиқариш лаборатория ва устахоналарини қайта қуриш, асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, ишга яроқсиз дастгоҳларни янгилаш, ўқув жараёнини тўлиқ ташкил этиш учун етарли миқдорда хом ашё базасини ривожлантириш ҳам зарурдир.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда Марказ зиммасига лицейлар ва коллежларни лойиҳалаштириш ва қуриш юзасидан бош бюртмачи вазифаларини бажариш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг таълим муассасаларига айлантирилаётган мавжуд ўқув юртларининг сифатли реконструкция қилинишини ва тўлиқ тузатилишини таъминлаш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ахборот билан таъминлаш, янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илғор педагогик ва ахборот технологияларини яратишни ва ўқув жараёнига жорий этишни ташкил қилиш вазифаси юкланган.

— Маълумки, касб-ҳунар мактаби деганда нафақат таълим маскани, балки ишлаб чиқариш кечадиган жой ҳам тушунилади. Шундай экан, коллежларнинг моддий-техника базасини кучайтириш борасида талабалар амалиёт жараёнида ишлаб чиқарган маҳсулотлардан тушган маблағдан ҳам фойдаланиладими?

— Ҳақиқатан ҳам касб-ҳунар коллежларини моддий жиҳатдан таъминлаш асосан давлатимиз томонидан амалга оширилади. Аммо ўқув-амалиёт жараёнида тушган фойдалар, масалан, дурадгорликда ишлаб чиқарилган эшик, ромлар, тикувчиликда тайёрланган кийим-кечакларнинг сотилишидан, қурилиш иншоотларидаги амалиётдан тушган маблағ ўша касб коллежини моддий жиҳатдан таъминлашга ҳам сарф қилинади. Бундай маблағнинг қанча қисмидан фойдаланишини ҳар бир коллеж ўзи ҳал қилади. Чунки турли ҳунар муассасасининг талаб ва эҳтиёжлари ҳар хил. Масалан, дурадгорлик бўйича ёғоч ашёлари, чилангарларга темир-терсак, ҳайдовчиларга ёнилғи зарур бўлади ва ҳоказо. Бундан ташқари ҳунар мактаби ўқитувчиларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш, турли тадбирлар ўтказиш учун ҳам мазкур маблағдан фойдаланиш кўзда тутилган. Бир сўз билан айтганда, ҳунар коллежларини моддий жиҳатдан таъминлаш учун ҳукуматимиз томонидан бериладиган ҳамда ўша таълим муассасасининг ишлаб чиқариш фаолиятидан тушган маблағдан тўлалигича фойдаланилади.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.

ОБУНА — ЙИЛ БЎЙИ

Маълумки, ҳар ойнинг ўнинчи кунига қадар Сиз «Тошкент оқшоми»га ёзилишингиз ва уни шундан кейинги ойдан бошлаб олишингиз мумкин. Демак «Оқшом»ни апрель ойидан ва шу бўйи йил давомида олиш иштиёқида бўлсангиз, Сиз унга обунани 10 мартга қадар расмийлаштиришингиз керак. Яна шуни ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, «Тошкент оқшоми» газетаси чакана савдога жуда ҳам чекланган миқдорда чиқарилади. Унинг обуна нархлари қуйидагича:

Абонент қутисига	Уй манзилига
• 1 ойга — 104 сўм	156 сўм
• 3 ойга — 312 сўм	468 сўм

Нашр индекси — 209.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

«У м и д» жамғармаси ташкил этган танловларда ғолиб чиққан юзлаб иқтидорли йигит-қизларга давлат ҳисобидан нуфузли хорижий ўқув юртларида таълим олиш учун йўлланма берилди.

Ҳозирги пайтда янги ташкил этилган «У с т о з» жамоатчилик жамғармасининг олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларини хорижда қайта тайёргарликдан ўтказишга юбориш бўйича дастури ишлаб чиқилмоқда.

Ўтган йили инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш, инсоннинг маданий, маънавий ва интеллектуал манфаатларини юзага чиқариш борасида кўплаб чоратадбирлар мажмуи амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, 1997 йилга мўлжалланган инсон манфаатларини юзага чиқариш бўйича тадбирлар Дастурининг асосий қоидалари ва талаблари бажарилди. Шу билан бирга, дастурнинг айрим бўлимлари бўйича қолоқликка йўл қўйилгани, айрим объектларни ишга туширишмуддатлари барбод бўлганини ҳам эътироф этиш лозим.

Энг катта оқсоқлигимиз сифатида инсон эҳтиёжларига юзаки, масъулиятсизларча муносабатда бўлиш ҳоллари ҳали кўп эканини очиқ тан олишимиз керак. Шу ўринда бир ҳақиқатни қайта ва қайта таъкидлашни истардим: барча ислоҳотларимиз, жамиятимизни янгилаш ва демократиялашнинг асосий мақсади, умуман, барча саъй-ҳаракатларимиз пировард мақсадининг ўзи — инсон манфаатларини қондиришни таъминлашдир.

1997 йилнинг устувор вазифаларидан бири — инвестицион фаолиятни, бошқача айтганда, иқтисодиётга сармоялар ётқизишни жадаллаштириш бўлди.

Ўтган йил молиявий таъминотнинг барча манбалари ҳисобига 270 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди ёки бу кўрсаткич 1996 йилга нисбатан 17 фоиз ўсди. Инвестициялашнинг бундай юксак суръати кейинги ўн йилда деярли кузатилган эмас.

Диққатга сазовор жойи шундаки, жами инвестицияларнинг 63 фоизидан ортиғи иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторида ўзлаштирилди.

Шу ўринда хорижий инвестицияни жалб этишга алоҳида эътибор берилганини айтиб ўтиш керак. 1997 йилда 1,1 миллиард АҚШ доллари ҳажмида хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, бу борада 1996 йилга нисбатан 1,3 баравар ўсишга эришдик. Капитал маблағлар умумий ҳажмининг бешдан бир қисми хорижий инвестиция ва кредитлар ҳиссасига тўғри келди.

Инвестиция ва тузилма сиёсатида асосий эътибор амалдаги ишлаб чиқариш тармоқларини жиҳозлаш ҳамда юксак қўшимча қиймат улушини таъминловчи янги, илғор технологияларга эга корхоналар қуришга қаратилди. Умумий сармоя миқдорининг 30 фоизи замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар харид қилишга сарфланди.

Мазкур тадбирлар натижаси ўлароқ, қисқа муддатларда иқтисодиётнинг мутлақо янги, самарали тизимларини шакллантиришга имкон берувчи йирик корхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Йилига 2,5 миллиард кўб газ ҳайдаш қувватига эга Кўкдумалоқ компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Қўқон» спирт ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл биокимё заводи, Тошлоқ ип йигирув фабрикаси шулар жумласидандир.

Фарғона кимёвий тола заводи таркибида полиамид ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех қурилиши ниҳоясига етказилди. Қизилқум фосфорит комбинати, шунингдек, кимё, енгил саноат, озиқ-овқат ва бошқа соҳаларга дахлдор қурилишлар бўйича қатор чоратадбирлар мажмуи амалга оширилди. Таъмирлаш ва янги ишлаб чиқариш тармоқларини бунёд этиш эвазига маҳсулот турлари кўпайди. Хориждан келтириладиган маҳсулотлар ўрнини босувчи товар ишлаб чиқариш рағбатлантирилмоқда.

Ички бозорни рақобатга бардошли ўз маҳсулотларимиз билан тўлдиришга қаратилган изчил сиёсат олиб бориляпти. Инвестицион сиёсатимиз жойларда татбиқ этилиши туфайли мамлакатимизнинг барча ҳудудлари ривожланишига, тараққиётига эътибор берилмоқда. Бу - ўта муҳим, диққатга сазовор ҳодиса.

Қувончли тарафи шундаки, ҳудудлар тизими ва қиёфасини тубдан ўзгартираётган янги корхоналар мамлакатимизнинг барча вилоятларида қурилмоқда. Номлари зикр этилган Андижон автомобил заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қўнғирот сода заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, Тошлоқ ип йигирув фабрикаси, Самарқанд тамаки фабрикаси, Хоразм чанқовбосди ичимликлар заводи каби ижобий мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Транспорт ва алоқага ажратиладиган капитал маблағлар ҳажми кескин кўпайди. Мазкур соҳаларга 54 миллиард сўм сарфланиб, бу умумий сарф-харажатларимизнинг 20 фоизини ташкил этади.

Навоий-Учқудуқ-Султониздоғ-Нукус темир йўлининг мавжуд тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Йўлнинг Учқудуқ-Султониздоғ қисмида, янги Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилишида катта ҳажмда тупроқ ишлари бажарилиб, рельс ётқизишга тайёрланди. Мавжуд темир йўл тармоқларини электрлаштириш, Тошкент-Андижон-Ўш-Қашғар автомобил йўлининг Қамчиқ довони участкасини қуриш ва таъмирлаш давом этмоқда.

Республикамизнинг экспорт қувватини ошириш ҳамда изчил ташқи иқтисодий фаолият юритиш 1997 йилнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган эди.

Ўтган йил етакчи халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЭСКАТО, ЮНКТАД комиссиялари, Европа Иттифоқи Комиссияси, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа Таъмирлаш ва Тараққиёт банки билан алоқаларимиз янада мустаҳкамланганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Қатор инвестицион лойиҳалар, жумладан, япон ва немис кредитлар тармоғи, АҚШнинг Экспорт-импорт банки билан ҳамкорликдаги ҳамда Ўзбекистон-Америка қўшма дастури доирасидаги «Конверсия» лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

1995-1996 йилларда 57 лойиҳа бўйича иш бошлаган бўлсак, шунинг 23 таси 1997 йилда хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан амалга оширилди. Жорий йилда эса 25 та лойиҳа бўйича ишни ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда.

Қўшма корхоналар тузиш йўли билан иқтисодиётга хорижий инвестицияни бевосита жалб этиш ривожланмоқда. Ҳозирги кунга келиб дунёнинг 80 мамлакати сармоядорлари иштирокида тузилган 3200 дан ортиқ қўшма корхона рўйхатга олинган.

1997 йилда ташқи савдо обороти қарийб 9 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Маҳсулотларимиз дунёнинг 78 мамлакатига экспорт қилинмоқда. Шу ўринда экспорт таркибида туб ўзгаришлар рўй берганини айтиб ўтиш керак. Экспортнинг анъанавий турлари — пахта, рангли металл билан бир қаторда Ўзбекистон бугун четга тармоқ маҳсулотлари — калава, бензин, автомобил сотишни йўлга қўйиб, жаҳон бозоридан муносиб ўрин олмоқда.

Хомашё ресурслари экспортни улуши камайтирилиб, тайёр маҳсулотлар, жумладан, қайта ишланиш даражаси юксак бўлган маҳсулотлар экспорт қилиш ҳажми ошмоқда. Экспортнинг умумий ҳажми ўсиши нефть, нефть маҳсулотлари ҳамда табиий газ /4 марта/, автомобиллар /7,4 марта/, кимёвий штапель тола /6,8 марта/, кийимкечаклар /64 фоиз/ ўсиши ҳисобидан эришилди.

Яна бир муҳим масалага алоҳида урғу бермоқчиман.

Товар ва маҳсулотларнинг талай турларини, мисол учун, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар, пойабзал, ёқилғини ўзимиз ишлаб чиқара бошлаганимиз туфайли, уларни импорт қилиш, яъни четдан олиб келиш камайди.

Мисол учун: озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмол моллари импорти 2 баравар камайди. 1996 йил билан таққослаганда, дон маҳсулотлари, шакар ва қандолат маҳсулотлари импорти 2 марта, ун ва ун маҳсулотлари импорти 5 марта, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар импорти 17 марта, минерал ёқилғи, нефть импорти 2,5 марта, кийим-кечак импорти 7 марта, пойабзал ва шу турдаги маҳсулотлар импорти 4 марта қисқарди.

Импорт умумий ҳажмининг 74 фоизи ишлаб чиқариш техник мақсадларга мўлжалланган товар ва асбоб-ускуналар импортига тўғри келмоқдаки, бу бизнинг стратегик йўлларимизга мос тушади.

Шу билан бирга, қулай иқтисодий шарт-шароит яратилишига қарамасдан, кўпгина корхоналар 1997 йил режаларини бажара олмадилар.

Бу нуқсонларнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

б и р и н ч и д а н, серхаражат, сифати паст, рақобатга чидамсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски технологиялар мавжудлиги;

и к к и н ч и д а н, бозорни яхши билмаслик, корхоналарнинг маркетинг хизмати суст ишлаётгани, экспортга доир шартномалар пухта ўйланмасдан, шошма-шошарлик билан тузилгани;

у ч и н ч и д а н, маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришда монополия ҳамон сақланиб қолаётгани. Бу номақбул ҳол корхоналарга ички бозорда ўз маҳсулотларини исталган нархда ва исталган ҳажмда сотиш имконини беради. Натижада экспорт ҳақида ҳеч ким бош қотирмайди;

т ў р т и н ч и д а н, экспорт қилинаётган маҳсулотларимизнинг халқаро миқёсда эътироф этилган сертификатлари йўқлиги ва шунинг оқибатида уларни жаҳон нархларида сотиш қийинлиги. Бу, энг аввало, рангли металлар, машиналар, механизмлар савдосига тегишлидир.

Бир сўз билан айтганда, экспорт имкониятларимизни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган талай ички сабаблар мавжуд. Бу ҳар бир корхона миқёсида ҳам, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар ва компаниялар даражасида ҳам экспорт имкониятларини ошириш устида жиддий бош қотиришни тақозо этади.

1997 йилда ички валюта бозорини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, уни конвертациялаш учун қулай шарт-шароитлар яратишга, давлат эҳтиёжларини қондирадиган ҳамда тендер асосида ички бозорни тўлдирадиган импорт маҳсулотлар харид қилишнинг замонавий шаклларини жорий этишга алоҳида эътибор берилди.

Республика валюта бозорида реализация қилинган хорижий валютанинг умумий ҳажми **3,5 миллиард АҚШ долларидан** ошиб кетди.

Бу 1996 йилдагидан анча кўпдир. Ҳозирги пайтда 27 та ваколатли банк биржа ва биржадан ташқари валюта бозорларида хорижий валюта сотиб олиш ва сотишни амалга оширмоқда.

1997 йилда экспортга мўлжалланган кенг истеъмол моллари ва маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш хорижий лойиҳаларни амалга ошириш ва хомашё, материаллар ҳамда бутловчи буюмлар сотиб олиш учун ички конвертация ҳисобидан 2,5 миллиард АҚШ доллари сарфланди.

Ҳурматли дўстлар! Ўзингиз кўраяпсизким, ўтган йил давомида Ўзбекистон тараққиёти йўлида анча буюк ишлар қилинган. Аммо, 1997 йил якунларини танқидий кўз билан баҳолаб, шуни тан олишимиз керакки, бир қатор устувор вазифалар ҳали маромига етказиб бажарилмади.

Б и р и н ч и. Кўплаб корхоналарнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда. Зарар кўриб ишлаётган корхоналардаги вазият амалда ўзгармаяпти. 302 та корхона 1997 молия йилини 3,8 миллиард сўм зарар кўриб якунлади. Корхоналарнинг қарзи уларнинг ўз жамғармаларидан деярли икки баравар ошиб кетди.

1997 йилда 3096 та корхонанинг молиявий аҳволи таҳлил этилди. Хўжалик судлари томонидан 145 та корхона банкрот деб эълон қилинди, уларнинг 200 миллион сўмлиқдан зиёд мулки «кимошди» савдосига қўйилиб сотилди.

Аввалги йилда банкрот деб эълон қилинганлари билан қўшиб ҳисоблаганда 136 та корхона тугатилди.

Шу билан бирга, **айни пайтда банкротлик механизми корхоналарни ўз хўжалик-молиявий фаолиятига бошқача муносабатда бўлишга ундовчи таъсирчан чорага айланмаяпти.**

Қишлоқ хўжалигида 662 та корхона йилни зарар билан якунлади. Улардан 104 та хўжаликда санация ўтказишга мажбур бўлдик. Ҳисоб-китобнинг кўрсатишича, зарар кўриб ишлаётган қолган хўжаликларнинг 300 таси кредиторлик қарзларини етиштирган ҳосили ва мол-мулки ҳисобига қоплаши мумкин.

Қолганлари эса инқирозга учраши муқаррар бўлиб турибди.

И к к и н ч и. Банк-молия органлари кўраётган чораларга қарамай, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари муаммосини тўла ҳал эта олмаяпмиз.

1998 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, муддати ўтказиб юборилган **дебиторлик қарзлари 50,2 миллиард сўмдан, кредиторлик қарзлари эса, 80,3 миллиард сўмдан** ошиб кетди. «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси, «Ўзкимёсаноат» уюшмаси, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзсувқурилиш» давлат концерни, «Ўзенгилсаноат» уюшмаси ва бошқа тизимлардаги корхоналарнинг қарздорлик даражаси энг баланд бўлиб қолмоқда.

Корхоналарнинг оғир молиявий аҳволи сабабларидан бири - аксарият жойларда корхоналар ҳануз бозор шароитларига мослаша олмаяпти, уларнинг раҳбарлари эса бошқамандалик кайфиятидан халос бўлолмасдан, ҳали-ҳануз давлат ёрдамига кўз тикиб, қўл қовуштириб ўтирибди. Кўпгина амалдорлар онгида туб ўзгариш бўлмаяпти, улар эски замондаги режали, фонд-тақсимот тизими қолипларидан чиқолмаяпти.

У ч и н ч и. Шартнома интизоми ва томонларнинг ўзи имзолаган шартномалар бўйича масъулияти масаласи ҳам ҳамон ўзгармаяпти.

Иқтисодиётда, биринчи навбатда агросаноат мажмуида шартнома тизими ишламаётгани, субъектларнинг шартнома мажбуриятларини бажармагани учун етарли масъулият сезмаётганини гапиравериб чарчадик.

Сотиш ҳақида аввал ўйламасдан маҳсулот етиштириш, уни харидорга етказиш ҳақида шартномани шунчаки номига, хўжакўрсинга тўлдириш, кўпинча маҳсулот баҳосини ва томонларнинг аниқ масъулиятини кўрсатмаслик ҳоллари кўплаб учрайди. Оқибатда корхоналарнинг омборларида на ички бозор, на ташқи бозор кўтарадиган тайёр маҳсулотлар қолиб кетишига олиб келяпти.

1998 йил 1 январь ҳолатига кўра 21,3 миллиард сўмлик маҳсулот сотилмай қолган, шундан 5,4 миллиард сўмлиги шартномада кўзда тутилмаган маҳсулотдир. Айниқса, «Ўзмашсаноат», «Ўзавтотранс», «Ўзэлтехсаноат» уюшмаларига қарашли корхоналарда сотилмай ётган маҳсулот жуда кўп.

Бунинг учун ким жавоб беради?

Қонун посбони бўлган ва бу масалалар юзасидан қабул қилинган директив ва меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилувчи Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди ва республика Прокуратураси қаёққа қараяпти?

Бу идораларнинг ишини кўриб чиқиб, мана шу масалаларга, яъни шартномаларни сўзсиз бажаришни таъминлашга алоҳида эътибор беришларини талаб қиламиз.

Вазирликлар, идоралар, Вазирлар Маҳкамаси ходимларининг корхоналарни ислоҳ қилиш масаласида чалакам-чатти, ноизчил фаолияти, сусткашлиги ва боқиманда кайфиятда юриши танқидий ва қатъий баҳоланиши лозим.

Энг аввало, истиқболсиз корхона ва ташкилотларни ҳар қандай йўл билан бўлса-да қўллаб-қувватлашдек хато йўлга барҳам бериш зарур. Зеро, бу йўл бозор талабига мутлақо ёт ва зиддир.

Шуни назардан чиқармаслик керакки, самарасиз ишлайдиган корхоналар қарздорлик гирдобига фақат ўзлари ғарқ бўлибгина қолмай, бошқа корхоналарни ҳам ортидан тортиб кетади.

Етарли даражада қонунчилик ва меъёрий асослар, бозор инфратузилмаси яратилган, банк ва молия, биржа ва улгуржи савдо тизимлари барқарор фаолият кўрсатаётган бугунги шароитда бундай аҳволга мутлақо чидаб бўлмайди.

Олти-етти йиллик ўтиш даврида ақли расо, масъулиятли, жавобгарликни сезадиган раҳбарларга бугунги замон талаб қиладиган услубда иш ташкил қилишга етарли имкон берилди. Энди бунақаларга тоқат қилиб бўлмайди.

Республикамизда Бош вазир Ўткир Султонов раҳбарлигида истиқболсиз корхоналарни инвентаризация қилиш ва саноатни қайта ихтисослаштириш бўйича ҳукумат комиссияси тузилган. Комиссия салкам 4 мингта корхона фаолиятини ўрганиб чиқиб, шулардан 202 таси бўйича қайта ихтисослаштириш тузилмаларини янгилаш ва санация қилиш ёки тугатиш чора-тадбирларини кўриш тўғрисида таклифлар берди.

Бироқ, ушбу комиссия ўз фаолиятида топширилган вазифани охиригача етказмаяпти. Қабул қилинган қарорларни ижро этишда қатъият ва собиткадамлик йўқ. Тугатиш учун тавсия қилинган 6 корхонадан фақат биттаси тугатилган, холос. Санация учун таклиф қилинган 91 корхонанинг атиги 17 тасига нисбатан ушбу тадбир қўлланилган.

Ҳукумат комиссияси бошлаган ишини охирига етказиши шарт. Йилнинг биринчи ярмидаёқ маҳсулотлари ўтмайдиган, бозор талабига жавоб бермайдиган корхоналарнинг ҳар бири билан орани очиқ қилиш керак.

Қачонгача омбор учун ишлаймиз!? Бозор кўтармайдиган маҳсулот учун вақт, маблағ ва меҳнат сарфлашга чек қўйиш зарур.

Зарар кўриб ишлаётган ва истиқболсиз корхоналарга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш пайти етди.

Банкротлик тушунчаси амалда бўлиши керак. Бу ҳақда кўп гапирилди, аммо, минг афсуски, иш жуда секин бораяпти. Ушбу соҳада ҳам хўжалик судлари ёмон ишлаётгани кўзга ташланадики, уларнинг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Фурсат ғанимат. Яқин орада ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий аҳволини ўнглаб олмасак, бу ҳол макроиқтисодий барқарорлик борасида қўлга киритган ютуқларимизга ўта салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Биз корхона банкротликка учрагандан кейин кимлардир ишсиз қолишидан чўчимаслигимиз керак. Республикада кадрларни қайта тайёрлаш механизми барпо этилган. Истиқболи бор ташкилотлар эҳтиёжлари малакали кадрлар ҳисобидан таъминланмоқда.

Кичик ва ўрта бизнес равнақи учун имкониятлар етарли. Кўпчилик, мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти ўз турмуш фаровонлиги йўлида меҳнат қилишни истайдиган кишилар учун республикада барча шарт-шароит мавжуд эканига амин бўлмоқда.

Ечимини кутаётган навбатдаги муҳим масала. Биз ҳали ҳам корхоналарнинг ҳақиқий эгаларини етиштира олганимиз йўқ. Амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёни ҳозирча кутилган натижани бермаяпти.

Хўш, бугунги кунда аҳвол қандай? Собиқ давлат корхоналари раҳбарларининг айби билан бу корхоналар шунчаки расмият учун, номигагина хусусийлаштирилган. Яъни, давлат корхонаси жамоа корхонасига айланган, бироқ акция эгаси бўлган меҳнат жамоаси аъзолари ўзини ҳақиқий мулкдор деб ҳис этгани йўқ.

Бугунги кунда республика миқёсида 700 мингдан ортиқ ҳиссадор бор. Бу - кам, бу - мутлақо етарли эмас. Аммо, улар ҳам ўз ҳиссаларини қўшимча ўн учинчи маош манбаи деб биладилар. Ҳалигача эски андозалар таъсиридан чиқолганимиз йўқ.

Акциядор, ҳиссадор киши ўзини ҳиссадорлик корхонасининг эгаси деб ҳисобламайди. Уларнинг кўпчилиги корхона меҳнат жамоасининг аъзолари бўла туриб, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, қайта ихтисослаштириш, қўшимча инвестициялар киритиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш ва истеъмол бозорини кенгайтириш каби жараёнларга мутлақо жалб этилмаган.

Корхоналарни эркин бозорда ўз акцияларини тарқатиш, шу жумладан, хорижий сармоядорларни жалб этиш ҳисобига фойда кўришдан манфаатдор қиладиган механизм ишлаб чиқилмаган. 1998 йилнинг бошидаги маълумотга кўра, ҳиссадорлик жамиятлари эълон қилган қарийб **39 миллиард сўмлик акция сотилмаган ва тарқатилмаган.**

Буни қандай баҳолаш мумкин?

Шундай аҳвол вужудга келганки, у ё бу даражада акциялаштириш ўтказилган, бироқ бу акциялаштириш корхоналар учун **акцияларни сотиш ва уларнинг иккиламчи бозордаги қиммати ошиши эвазига қўшимча сармоялар келиб тушадиган манбага айланмаяпти.** Аниқ сўз билан айтганда, иккиламчи бозор мутлақо фаолият кўрсатмаяпти.

Биз ҳали халқаро молия бозорида ўзимизга муносиб, керакли даражадаги нуфузга эга бўлолмаяпмиз ва хорижий сармоядорларни жалб қилолмаяпмиз. Бирор-бир хорижий фонд биржасига ҳам чиқа олганимиз йўқ.

Акцияларни ташқи фонд бозорига тарқатиш вақти келди. Нима учун биз бу ишни мавжуд пахта заводларини акциялаштириш йўли билан амалга оширолмаймиз? Улардаги акцияларнинг бир қисмини халқаро қиммат баҳо қоғозлар бозорига чиқариш мумкин эмасми?

Минг афсуслар бўлсинки, Чжен жаноблари, Вазирлар Маҳкамаси хусусийлаштириш борасида Сиз раҳбарлик қилаётган Давлат Мулк қўмитасига ишониб, кўп масалаларни ўз назоратидан чиқариб юборган.

Давлат Мулк қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари эса бундан устомонлик билан фойдаланиб қолдилар. Уларнинг ягона ташвиши оқибатини ўйлаб ўтирмай, объектларни иложи борича кўпроқ сотишдан иборат бўлди.

Иш шу тахлитда кетаверса, ҳақиқий мулкдор пайдо бўладими? Ишлаб чиқаришни тубдан ўзгартириш учун унга маблағни ким беради?

Давлат Мулк қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларида ноқобил ходимлар ўтирибди, тўрачилик, сансалорлик, ишга юзаки муносабат, юлғичлик ва порахўрлик иллатлари авж олган. Бу ҳолга чек қўйиш учун Қўмитанинг барча даражадаги жавобгар шахсларини аттестациядан ўтказиш бўйича махсус ҳукумат комиссияси тузилди. Бу муҳим соҳа учун малакали, ҳалол ходимларни танлаш бўйича ҳали кўп иш қилиш керак.

Ҳурматли ўртдошлар!

1998 йилда иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришнинг устувор жиҳатларига алоҳида тўхтаб ўтмоқчиман. Мамлакатимиз парламенти Олий Мажлисда 1998 йил давлат бюджетини тасдиқлаш жараёнида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва иқтисодий тараққиёт миқёслари атрофлича муҳокама этилиб, қабул қилинди ва матбуотда эълон қилинди.

1998 йилдаги иқтисодий ривожланиш дастурини амалга оширишга киришар эканмиз, ўтган йил натижаларидан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда муҳим аҳамият касб этаётган устувор жиҳатларни аниқлаб олишимиз зарур.

Биз учун бу йилги **биринчи ва бош масала барқарор иқтисодий тараққиёт тамойилларини мустаҳкамлаш,** макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаб бориш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, пулнинг қадрсизланиши даражасини кескин камайтиришдан иборат.

И к к и н ч и с и. **1998 йилни Оила йили деб эълон қилдик.** Бу борада 1998 йилда амалга оширилиши мўлжалланган махсус Давлат дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Унда оила манфаатларини рўёбга чиқаришни таъминлаш кўзда тутилган.

Дастур оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларини ҳимоя қилиш, оила аъзолари соғлиғини сақлаш ва уларнинг билим даражасини кўтариш, оилани иш билан таъминлаш ва даромадини ошириш, оиланинг руҳий-маънавий асосларини ҳамда маданий эҳтиёжларини қондиришни такомиллаштириш учун шароит яратиш сингари кенг тадбирлар мажмуидан иборат.

Бугун барча масъул давлат ва жамоат тузилмалари, жойлардаги ҳокимият идоралари бу дастурий вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши ўта муҳимдир. Вазирлар Маҳкамаси Оила манфаатлари дастурининг бажарилишини алоҳида назоратга олиши лозим.

У ч и н ч и с и. **Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш.** Менимча, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш муаммоларини ҳал этмай туриб, тўла маънодаги иқтисодий ислоҳотларимизни дадил давом эттириш мумкин эмаслиги барчага аён бўлиб қолди.

Энг муҳими, қишлоқни ислоҳ қилишни нимадан бошлаш кераклигини мен бир неча бор, қайта ва қайта айтганман — буни аввалambор, далада тер тўкаётган кишилар тафаккурини ўзгартиришдан бошлаш керак.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг ҳар бир аъзоси, ҳар бир фермер, деҳқон ўзини ўзи ишлаб турган заминнинг хўжайини деб ҳис қилиши лозим. Шундагина у ернинг ҳолати ва ҳосилдорлиги, ерга ишлов бериш ва ундаги экин сифати учун жавобгарликни ҳис қилади, ҳосилдорлик ва етиштирилган ҳосилни сақлаш учун жон куйдиради, ҳуллас, меҳнатининг пировард натижасидан манфаатдор бўлади.

Матбуотда янги меъёрий ҳужжатлар — Ер кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи /ширкат хўжалиги/ тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари эълон қилинди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар асосида янада такомиллашган, замонавий талабларга жавоб берадиган қонуний нормативлар таянчи ётиши керак. Қишлоқ хўжалиги кооперативида мулкчиликнинг янги шакли топилган. Бу мулкий пайдир. Айнан ана шу пай деҳқон онгини янгилаши, унда мулкдорлик ҳиссини шакллантириши, ўз меҳнати натижасидан ҳамда моҳият эътибори билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг янги қуйи тармоғи — ширкатлар самарадорлигидан манфаатдорлик уйғотиши керак.

Қишлоқда кенг татбиқ этилаётган о и л а п у д р а т и ишловчиларнинг ўз меҳнати, миқдор ва сифат кўрсаткичларига мувофиқ равишда ҳақ олишдан тўғридан-тўғри манфаатдорлигини таъминлаши керак.

Шу билан бирга, биз учун фермер ва деҳқон хўжаликлари орқали ўрта ва майда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти - товарлар ишлаб чиқаришни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳам устувор йўналиш ҳисобланади.

Шунга аминманки, фермер ва деҳқон хўжаликларига, энг аввало, чорвачилик, шунингдек, мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга том маънода эркинлик берсак, улар мамлакатни ҳам тўйғизади, ўз маҳсулотини хорижга ҳам сотади.

Нега 1997 йили 1177 фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатиб қўйганини таҳлил қилиб кўрайлик.

Агар қаердадир қонун талаблари ва меъёрларига риоя қилинмаган ҳолда, нафсиёти бизга номақбул фермер хўжаликлари ташкил этилган бўлса, бунинг учун биринчи навбатда маҳаллий ҳокимият раҳбарлари жавоб бериши керак. Чунки улар ердан, хусусан, суғориладиган майдонлардан тўғри ва оқилона фойдаланишга жавобгар шахс ҳисобланади. Чунки — биз бу ҳақиқатни ҳам ҳазм этишга ўрганишимиз зарур, — ҳамма ҳам замонавий фермер бўлишга лойиқ эмас.

Энди ўзлари пиширган ошни ўзлари сузсин, ўзлари келтириб чиқарган муаммони ўзлари ечсин.

Орани очмоқчи бўлсак, масаланинг бошқа томонлари ҳам бор.

Нега кўпгина туманларда хусусийлаштирилган ферма ва фермер хўжаликлари ҳуқуқлари поймол қилиняпти?

Нега жамоа хўжаликлари, хусусан, қолоқ хўжаликлар раҳбарлари самарали ишлаётган фермер хўжаликларининг даромад ва фойдаларига кўз олайтиради?

Бу масала-саволларга холисона жавоб беришимиз керак.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича 1998-2000 йилларга мўлжалланган комплекс Дастур қабул қилиш керак. Унда бозор иқтисодиёти талабларига мос замонавий аграр ва иқтисодий муносабатларни жорий этишга қаратилган, шунингдек, тупроқ унумдорлигини ошириш ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уруғчилик ҳамда чорва наслчилигини такомиллаштириш бўйича муайян чора-тадбирлар белгиланиши лозим.

Гап фақат бундай дастурни қабул қилишдагина эмас. Унинг ижросини доимий назорат қилиб бориш ҳам керак.

Т ў р т и н ч и устивор йўналишимиз. **Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш.** Тажриба шуни кўрсатадики, жаҳонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирмай туриб, иқтисодий ўсиш, ишсизлик даражасининг пасайиши ва аҳолининг даромадлари ошишига эришган бирор мамлакат йўқ. Биз ҳам бу ҳақда кўпдан бери гапирамиз.

Бир қанча қонуний ҳужжатлар қабул қилинди, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган инфратузилма ташкил этилди. Бироқ бу масалаларда жиддий силжишлар юз бераётгани йўқ.

Бугун кичик корхоналар моддий-техникавий ва хомашёвий ресурсларнинг кўп турларини топишда қийналяпти. Тижорат банклари кичик бизнес учун узоқ муддатли қарз бериш билан амалда шуғулланмаяпти.

Ички кредит ресурсларининг етишмаслиги ҳаммага аён. Лекин бошқа бир йўл — хорижий кредитларни ўзлаштириш суръатларида сусткашлик бор. Шу мақсадлар учун ажратилган **350 миллион АҚШ долларидан бор-йўғи 1,5 миллион доллар** ўзлаштирилган, холос.

Қисқа муддатларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ажратилган хорижий кредитларни ўзлаштиришни тезлаштиришга, бу борадаги барча тўсиқларни, қуруқ расмиятчилик ва тўрачилик ғовларини олиб ташлашга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқиш керак.

Ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича Хукумат комиссияси, шунингдек, ҳозирча бор-йўқлиги билинмаётган Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бутун кучини ишга солиши шарт. Яқин кунларда шу масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилиш зарур.

Б е ш и н ч и. **Экспортни кенгайтириш ва валюта тўловлар балансини мустаҳкамлаш масалалари** устувор вазифа бўлиб турибди.

Корхонани валюта ишлашга ундовчи омил бўладиган механизм яратиш керак. Алоҳида таъкидлаб айтаман: **ўз маҳсулотини экспорт қилиш ҳисобидан валюта тушумига эга бўлмаган бирон-бир корхона ўз ишини қониқарли деб ҳисоблашга ҳақли эмас.**

Ташқи савдони такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон пахта толасини сертификациялаш мустақил марказини тузиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Бухоро шаҳридаги пахта толасини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича база ташкил этишда ва Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона, Сурхондарё вилоятларидаги мавжуд омборлар базасида ана шундай комплекслар тузишда эришилган ижобий тажрибаларни янада мустаҳкамлаш керак.

Кимё тармоғида, шу жумладан, республикадан ташқарида ҳам, консигнацион омборлар ташкил этиш масалаларини ҳал этиш зарур. Бу ўзимизда чиқариладиган ўғитларни жаҳон бозорида ва ички бозорда уларга бўлган талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб сотиш имконини беради.

О л т и н ч и с и. **Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш.**

Албатта, бу бир-икки йил ичида ҳал қилинадиган муаммо эмас. 1998 йилда, энг аввало, умумий ўрта ва махсус таълим ислоҳотини бошлашимиз керак.

Кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишда ҳуқуқий асосни яратувчи бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар мажмуи қабул қилинган.

Ҳозир янги типдаги ўқув муассасалари — **академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари** фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳужжат ва қоидаларни ишлаб чиқишга эътиборни қаратмоқ зарур.

«Т а ъ л и м» харита-схемасини тузиш бўйича ишни якунлаш керак. Шу қаторда энг муҳим масала - академик лицейлар ва касб-малака коллежлари ишини ташкил қилиш учун амалдаги ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари моддий ва маънавий салоҳиятидан фойдаланиш имкони даражасини аниқ белгилаб олишдир.

Шунингдек, янги ўқув муассасалари сони, жойлашиши ва ихтисоси, уларнинг техник жиҳатдан жиҳозланиши, минтақаларнинг истиқболдаги ижтимоий

Чархи кажрафтор гўё ҳеч нарсадан бехабардек бир маромда айланаверади. Тақдирлар яралади, шаҳарлар, салтанатлар бунёд бўлади. Тоғлар ўзгаради, дарёлар қуриб боради. Бировнинг номи ҳаётда абадий қолади, бировнинг номи эса йўқ бўлиб кетади.

Даврон чархпалагида йитмай, иззату эъзоз топиб қолган, шу февраль ойида таваллудига 515 йил тўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг номини бугун наинки биз, балки аҳли жаҳон ҳам суюб тилга олмоқдадир. Зеро Мирзо Бобур, у яратган қудратли салтанат, бобурийларнинг буюк мероси жаҳон тараққиётида ўчмас юлдуздек чарақлаб турибди.

Омад ва омадсизлик, соғинч ва бахтиёрлик, давлат ташвиши ва шеърият сурури, буюк қурилишлар Бобур умрининг қирралари бўлди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров кўп йиллардан бери Бобур ва Бобурийлар сулоласи ҳақида қизғин ижод қилиб, «Бобур», «Ҳумоюн ва Акбар» тарихий романларини яратди.

Диллашув

ТАҚДИРЛАР ТАЛҚИНИ



— Пиримқул ака, Бобур ҳақидаги роман ёзиш нияти сизда анча аввал туғилган эди. Айтишларича, унинг чоп этилишига қарши турганлар кўп бўлган экан...

— Халқимизнинг бой ва ёрқин тарихга эга эканлиги ҳақида кўп ёзилган. Миллатимиз ўз тарихий илдизларидан қанчалик кўп баҳраманд бўлса, маънавий қудратга тўлса қаддини ростлаш шунча тезлашади. Бобур эса тарихимиздаги энг ёруғ сиймолардан бири саналади.

Роман ҳақида сўрадингиз, 1960 йиллардан бошлаб романга материаллар йиға бошладим. «Юлдузли тунлар» романи («Бобур» романи илк нашрида шундай аталган эди) 1972 йилда ниҳоясига етди. Ўша йили Ёзувчилар уюшмасида муҳокама ҳам қилинди. Қаламкаш дўстларим томонидан яхши баҳоланди, нашр этишга тавсия ҳам этилди. Режа бўйича 1973 йилда дунё юзини кўриши керак эди. Лекин ўша пайтда тарихий мавзуларга муносабат ҳам ёмонлашиб кетган эди. Эсингизда бўлса, ажойиб фидойи олим Ҳамид Сулаймоннинг ёзган асарларига, Бобур тўғрисида чоп этирган альбомга Москвада кескин танқидий муносабат билдирилган мақола чоп этилганди... Роман ҳам, худди қаҳрамони Бобур каби анча сарсонликни бошидан кечирди.

— Романнинг илк матни 1972 йилда ёзиб тугатилганини тилга олдингиз... Ўқувчилар билан бўлган бир учрашувда эса уни ёзиш нияти 1959 йилда туғилган эди, дегандингиз...

— Шундай эди. «Уч илдиз» романидан кейин Бобур ҳақида ёзмоқчи эдим. Лекин материаллар камлиги, айниқса тарихни пухта билмасдан туриб, катта тажриба орттирмасдан туриб, ишни амалга ошириб бўлмаслигини ҳис этдим. Шундан сўнг улуғ ватандошимиз, унинг авлодларига қолдирган мероси тўғрисида материаллар йиға бошладим.

— Маълумки, адабиётимизда Бобур ҳақида ёзилган насрий ва назмий манбалар бармоқ билан санарли. Сиз қандай манбаларга суянганингиз хусусида тўхталсангиз...

— Энг дастлабки манба бу — Бобур ҳазратнинг ижоди бўлди. Айниқса, «Бобурнома» буюк бир асардир, унда Бобур Мирзонинг ҳаёти батафсил тасвир этилган. Муни Лаълнинг «Акбаршоҳ», Гулбадан Бегимнинг «Ҳумоюннома», «Ғузуки Жаҳонгиршоҳ», шунга ўхшаш кўплаб тарихий китобларни ўргандим. Жавоҳарлаъл Нерунинг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши», «Дунё тарихига бир назар» китобларидан фойдаландим.

— Ҳиндистонга ҳам борган бўлсангиз керак?

— Ҳа, тўрт марта бордим. Аграда, Деҳлида, ҳатто Покистонга ўтиб Карочида, Исломободда, Лоҳурда ҳам бўлдим. Ўша ердаги тарихий ёдгорликларни кўрдим. Тожмаҳал, Фатҳобод, Аградаги буюк иморатлар ҳикоялар сўзлаётгандек бўлди. Бобурийлардан қолган қутлуғ изларни синчиклаб ўргандим. Жаҳонга машҳур кутубхоналарда бўлдим. Хуллас, орадан ўтган 10—12 йиллик тинимсиз изланиш, меҳнатнинг маҳсули бўлиб «Юлдузли тунлар» романи дунёга келди. 1973 йилда «Саодат» журналида, «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида парчалар босилди. Яхши кутиб олишди ўқувчилар. Лекин китоб ҳолида чоп этиш тўхтатилди. Орадан беш йил ўтса ҳамки натижа бўлмади.

— Лекин ўша йиллари «Мерос» қиссангиз, «Олмос камар» романингиз чоп этилганди...

— Юрагимдаги ташвиш ва безовталикни меҳнат билан босдим. «Акрамнинг саргузаштлари», «Мерос» қиссаларини, «Олмос камар» романини шу оғир йилларда ёзиб, чоп эттирдим. Лекин «Юлдузли тунлар»га қўйилган тўсиқ 1978 йилгача олиб ташланмади... Хуллас, москвалик ёзувчи Юрий Суровцев уни русчага таржима қилгандан сўнг роман 1978 йилда «Шарқ юлдузи»да, 1979 йилда эса китоб ҳолида чоп этилди. Рус тилида ҳам дунё юзини кўрди. Адабий жамоатчилик жуда яхши қабул қилди. Тўрт йил давомида тўрт марта русча, ўзбекча нашр этилди.

— Шундан сўнг ўша йиллари сиз илҳомланиб, «Авлодлар довони» романини ёзишни бошлагандингиз...

— Ҳа, уни 1985 йилда тугатган эдим. Янги романда Бобурнинг ўғли Ҳумоюн, невараси Акбарларнинг ҳаёти қаламга олинган эди. Буни қарангки, у ҳам муҳокамада мақталган, нашрга тавсия этилган эди. Аммо 1985 йилда яна «Бобур» романига ҳужум бошланди.

— Нима сабабдан бундай бўлди? Шу ҳақда қисқагина тўхталсангиз...

— Хабарингиз бор, ўша йиллар республика Ёзувчилар уюшмасининг қурултойи бўлиб ўтганди. Унинг минбаридан «Бобур» романи ҳақида ноҳақ гаплар айтилди. «Бобур образи идеаллаштирилган», «Муаллиф синфийлик нуқтаи назаридан ёндошмаган» каби ноўрин гаплар истифода этилди. Бу гаплар 1986 йилда Ўзкомпартиянинг пленумида янада кескинроқ такрорланди. Шу тариқа янги романнинг ҳам йўли бекилди. Нашриётда терib қўйилган ҳарфлар тарқатиб, ташлаб юборилди.

— Яхшиямки ўша йилларда мустабид тузум емирилиб бораётган эди...

— Тўғри айтдингиз... Хуллас калом, «Авлодлар довони» уч йил ўтиб 1988 йилда «Шарқ юлдузи» журналида қисқартириб чоп этилди. Кейин китоб ҳолида босилди...

— Ўша йиллари атоқли адиб Чингиз Айтматов ҳам сизни қўллаб-қўлтиқлаганмиди?

— Ҳа, Чингиз Тўрақулович «Юлдузли тунлар» ҳақида кўп яхши гаплар айтиб, Бобурни ҳимоя қилган эди. Бу ҳақда матбуотимиздаги бир суҳбатда босилган. Чингиз Айтматовга мактуб ёзиб, «Авлодлар довони» ҳақида хабар бердим. Келган жавоб хатида: «Сенинг буюк Акбар ҳақидаги мулоҳазаларинг, Акбарнинг турли динларни бирлаштиришга интилиши ўта замонавий мавзудир. Бунга, яъни маънавий бирликка одамзод барибир муроҳаат қилади, чунки бугунги шароитда инсониятнинг омон қолишига имконият берувчи, бирдан-бир йўл ана шудир. Бу ҳақда, албатта роман ёз ва асаринг учун кураш. Шахсан мен ниятингни маъқуллайман», деб ёзганди улуғ адибимиз.

— Чиндан ҳам бобурийларнинг уч авлоди — Бобур, Ҳумоюн, Акбар умри мамлакат тинчлиги йўлида олиб борилган жангу жадалда ўтган бўлса ҳам юрагида олижаноб фазилатлар кўп бўлган. Айниқса, романдаги маънавий изланишлар тасвири ғоятда таъсирли...

— Акбар жаҳондаги улуғ сиймолардан бири, мардона подшоҳ эди. Унинг улкан ниятлари бўлган. Унинг олижаноб ниятларидан бири — динлар ўртасида буюк бир маънавий кўприк қуриш бўлган, ҳамма динлар тенг ривожланиши тарафдори бўлган... Бу ҳозирги виждон эркинлигига тўғри келади.

— Иккала романни ўқиганлар улардаги бадиийлик, тарихийликни тан олган ҳолда насрий «Шоҳнома» деб атаганларини кўп бор эшитгандим...

— Эҳтимол, эпик достон, эпопея дейиш мумкиндир. Мен тарихий ҳақиқатга амал қилдим... Ҳатто роман тилида ҳам ўша даврнинг талаффузини сақлашга интилдим. Романлар қайта нашр этилганда «Юлдузли тунлар» — «Бобур», «Авлодлар довони» — «Ҳумоюн ва Акбар» деб аталишини ҳам шундай тушунилса тўғри бўлади.

— Жавоҳарлаъл Неру, унинг қизи Индира Ганди Бобур ва унинг авлодларига юксак баҳо бергани бизга маълум. Сиз иншо этган романни ўқиган ўқувчилардан кўплаб хатлар олгансиз... Ҳатто Ҳиндистондан ҳам мактуб келган экан...

— Менга мактуб ёзган, ўзининг қимматли фикрларини изҳор этган мухлисларимни холис миннатдорлик билан эслайман. Ҳиндистондан, Индаур шаҳрида яшовчи Суржонал Гарчдан ҳам мактуб олганим тўғри... «Бой фактик материаллар асосида бадиий жиҳатдан гўзал роман яратибсиз. Мен кўпдан бери бундай асар ўқимаган эдим», — деб ёзибди у. Мактублар ҳали ҳам келиб турибди. Бу мен учун жуда азиз.

— «Бобур» романининг биринчи нашрида Амир Темур қиличи ҳақида ҳеч гап йўқ... Лекин «Ҳумоюн ва Акбар»нинг сўзбошида шу ҳақда сўз юритгансиз.

— Сизнинг саволингизга ўша сўзбошининг ўзида жавоб беришга ҳаракат қилинган. Деҳлида ҳинд олимлари билан бўлган мулоқотда Муни Лаъл деган таниқли олим Акбаршоҳнинг даргоҳида Амир Темурнинг қиличи авайлаб сақланганини, кейинчалик бу қилич, унинг ўғли шоҳ Салим — Жаҳонгиршоҳга мерос бўлиб қолганини ишончли манбаларда кўрганини айтган эди.

1405 йилда вафот этган Амир Темурнинг қиличи 1605 йилда Жаҳонгиршоҳга етиб борган. Орада 200 йил бор. Умри буюк давлат тузиш учун жангу жадалларда ўтган, бобокалонларининг қиличини авлоддан авлодга етказиб келган Мирзо Бобурга, унинг фарзандларига қойил қолмай бўладими? «Ҳумоюн ва Акбар» романининг сўнггида Акбар ушбу қилични Жаҳонгиршоҳга топширганини тасвирлаганман. «Бобур» романини ҳозир қайта кўриб, нашрга тайёрладим. Соҳибқиронинг қиличи қандай қилиб Бобур Мирзога келиб текканини тасвирловчи лавҳаларни ёздим. Аввал шўролар даврида айтишнинг иложи бўлмаган шу каби бир нечта тўлдиришлар янги нашрга киритилди.

— Яқинда ойнаи жаҳонда «Тожмаҳал» деб аталган гўзал бир фильм намойиш этилди. Унда Хуррамшоҳ — Шоҳ Жаҳон ва Аржуманд бегим — Мумтоз Маҳал ўртасидаги буюк муҳаббат тараннум этилади. Пиримқул ака, романни давом эттириб, Шоҳ Жаҳон ҳақида ҳам асар ёзиш ниятингиз бор бўлса керак... Айниқса, «Қадрим», «Эрк» сингари лирик қиссалар ёзган сиздек адиб бу мавзуни ажойиб тарзда ифода этишига ишонамиз...

— Насиб қилса, бу мавзуда янги бир асар ёзмоқчиман. Турли тилларда (айниқса, инглизчада) йиғиб қўйган материалларим бор.

«Тошкент оқшоми» мухлисларига энг яхши тилаклар йўллайман. Шу тилаклардан энг муҳими келгусида улар билан шу янги асар саҳифасида учрашишдир.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

Темур УБАЙДУЛЛО суҳбатлашди.

Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун

ШУКРУЛЛО,
Ўзбекистон халқ шоири

ТИРИК РУҲЛАР

(Романдан парча)

(Охири. Боши газетанинг ўтган сонларида).

«Ғариб оқшомдан оғир дам борми!

Нега қуёш ботганда йиғлагинг келади? Нега хўрлигинг билинади?

Қуёш ботабориб оқшом чўккан сари орзу-умидларинг сўнгандек, хаммадан худди айрилгандек ёлғизлигинг яна ҳам кучлироқ билинади.

Ҳаҳ, Убайдуллохон!.. Убайдуллохон!.. Қани, сени йўқловчи бир меҳрибонинг борми? Ҳозир сенинг боғларингга баҳор келди. Майсалар унмоқда. Осмонингда турналар! Наҳот уларнинг қур-қурлари сенга эшитилмаса! Хумори тутиб йиғламайсанми! Қирларингдаги лолалар, гунафшалар, варрак учирган томларингдаги чучмўмалар наҳот хумор қилиб кўзларингга кўринмаса!..

Унинг хаёлида жонланган онасининг нолалари қанчалик аламли бўлмасин, аммо, отаси Асадулло махсумнинг ёшлигидан қулоғига қуйган ҳикматлари кўнглидан кечаркан қамоқ азоб-уқубатларини ҳам, соғиниш хуморларини ҳам бирдан унутарди. Янгидан ўзида куч-ғайрат туярди, келажагига, ўз мақсадларига эришишда умид уйғонарди: «Бир ғофил бандани ғафлат уйқусидан уйғотиб, йўлга солмоқнинг ўзи қанчалик савоб! Бир етимнинг бошини силасанг, бир ғаribнинг мушкулини осон қилсанг, бир беморнинг кўнглига малҳам бўлсанг, бунинг савобига не етсин! Аммо, халқнинг дардига дармон бўлмоқ ниятида жон фидо қилсанг, унинг бахт-саодати учун ўз халоватингдан кечсанг, ҳаётингни шунинг йўлига тиксанг, бунинг савобига тенг савоб бўлармикан дунёда! Бундай бандасидан Худойим ўз марҳаматини дариғ тутмайди», — дерди отаси.

Саратов қамоқхонасида ётган Убайдуллохон ғариб оқшомида қалбини соғинч, ноҳақ хўрликлар ўртаганида, ўзича шундай эътиқод билан таскин топаркан ўзида туганмас бир куч сезиб, беихтиёр, ўзи сезмаган ҳолда овоз чиқариб ўз-ўзига:

— Майли, мени дунё лаззатидан маҳрум қилсинлар, Ватанимдан, дўстларимдан айирсинлар, аммо сен ўзинг борсан-ку, Парвардигор! Сенинг қудратингдан, марҳаматингдан асло айирмасин! — дерди.

Бундай эътиқодли инсонни, йўлдан қайтариб бўлармиди! Қамоқ азоблари, ўлим ваҳимаси унинг кўзларига кўринармиди! У ўзининг ҳақлигига ҳар қандай ҳолатда ҳам жавоб топа оларди. Йўқ, унинг жавоби тайёр эди:

— Халқ учун жонини қурбон қилишдан афзалроқ, инсон учун улуғроқ, савоб иш йўқ! Халқининг баҳту озодлиги йўлида қурбон бўлганларга ўлим йўқ! — Ўз келажагини ўйлаганда қамоқ зулмати, унинг азоблари ҳатто ўзининг қаерда эканини ҳам унутиб, унинг кўзларига фақатгина қуёш порлаб турган келажак ва озод Ватанигина кўринаётгандек. Шодлигидан қанот пайдо қилиб жаҳонларни кезгудек бўларди. Орзусига етишгандек худога шукроналар айтарди.

Булар барчаси унинг қалбидаги орзулар эди. Аммо, кўз олдида эса, зулмат, зах, қамоқ, ҳашаротлар босиб кетган хона эди. Маълум вақтгача Саратов шаҳаридан четга чиқмаслик шарти билан қамоқдан озод қилинади. Ҳозирча уни Саратовдан ташқарига чиқариб бўлмасди. Чунки, 1905 йилги биринчи рус инқилоби таъсирида, Туркистонда ҳам жадидлар ҳаракати жонланиб қолган эди. Албатта, Убайдуллодек эътиборли бир шахснинг айни вақтда Тошкентга қайтиши, жадидлар ҳаракатини яна ҳам кучайишига сабаб бўлиши Чор ҳукуматига аён эди. Ўша даврдан бошлаб унинг ҳар қадами жандарм томонидан кузатилади. Русия учун энг хавфли шахс сифатида тўрт тарафга хабарлар юборилади.

1913 йил май ойида Саратов губернаси жандарм бошқармасининг бошлиғи Туркистон махфий ишлар бўлимининг бошлиғига қуйидагича мутлақо махфий хат юборади.

Мана ўша хатнинг асли:

Мутлақо махфий.

«Туркистон махфий бўлими бошлиғига.

Муҳтарам жаноби олийлари, ушбуни Сизга маълум қиламанки, 1912 йил 15 августгача Саратов шаҳрида яшаган, судда қатнашадиган тарафнинг хусусий ҳимоячиси Убайдулла Асадуллаев Хўжаев ўзининг Москвага боришлигини маълум қилган эди. Аммо, шу вақтгача Саратовга қайтгани йўқ.

Саратов губернаси жандарм бошқармаси бошлиғи, полковник:

(Имзо)

10 май, 1913 йил».

Нега мунча ваҳима, мунча талваса! Убайдулло Русияга ўт қўймоқчимидики, шунчалик хавфли шахс саналса! Ёки рус подшосига суиқасд уюштириш ниятида бўлсаки, шунчалик ваҳима қилинса!

Ахир, жосуслик қилиб, Русияни босиб олиб, Туркистонга мустамлака қилишдек унинг нияти йўқ-ку хавфли саналса?!

Убайдулло ўша кезлари фақат Лев Толстойга ёзган мактуби билан эмас, рус зиёлилари, ёзувчи, ҳуқуқшунослари орасида бўлган суҳбатлардаги ўз қарашлари ва матбуотда чиқишлари билан ҳам чор ҳукуматининг юқори доиралари, махфий ташкилотларга ғулғула сола бошлаган эди.

Мана 1913 йили Туркистон махфий идораси бошлиғининг Саратов губерна жандарм бошқармасининг бошлиғи Убайдулло ҳақида берган жавоби:

Мутлақо махфий.

Саратов губернаси жандарма бошқармаси бошлиғига.

Менга ишончли бўлимлардан келган махфий маълумотларга кўра таниқли арбоб, панисломчи, судда қатнашадиган тарафнинг хусусий ҳимоячиси (адвокат) Убайдулло Асадуллаев Хўжаев Саратов шаҳридан Тошкентга келган.

Ушбуни маълум қилиш билан бир қаторда, Хўжаев ҳақида бошқармамизга маълум маълумотлар билан мени ҳам хабардор қилишингиз ва йўл-йўриқлар беришингизни сўрайман.

Подполковник Сизих: (Имзо)

Аслига тўғри:

ротмистр: (Имзо)»

Бу йиллар Убайдуллонинг Туркистон мустақиллиги учун очиқ кураши бошланган давр бўлди. Шу даврдан бошлаб бир куни озодликда ўтган бўлса, бир куни қамоқда кечди.

Убайдуллонинг азобларини кўрганлардан бири унга ачиниб, афсус билдирганда, у миннатдорчилик билдириш ўрнига:

— Оҳ, она юртим! Оҳ бечора онагинам, Туркистон! — дейди, — жонимни ҳам сендан аямайман деймизми!.. Демак, Ватанни онадек азиз биламизми? Оғизда шундай деймиз-у аммо амалда-чи? Онамиз кўз олдимизда ҳақорат этилса... Бир аёлни девдек эркак киши тутиб олиб, шундай калтаклайдики, у она бечоранинг оҳи-додига асло чидаб бўлмасди. Эркак унинг сочларидан бураб савалайди. Аёл бор кучи билан «Болам, қаёқдасан?» деб бақиради. У бақирган сари қўлларини бураб, қайириб уради. Она, «боламлаб», «қаёрдасан», деб бақиришини қўймайди. Ахир, онанинг фарзанддан бошқа суянадиган кими ҳам бўлиши мумкин! Бирор ўткинчи бегона, девдек одамнинг қўлидан онани ажратишга ботиниб борадими? Фақат фарзанд онага ўзини қурбон қилиши мумкин! Фарзанди қани? Наҳот она фарёдини эшитиб, эшитмаганга ўзини солган бўлса! Онанинг доди-фарёдини эшитиб, уни хор қилиб, тепкилатиб қараб турган фарзанд фарзандми!

Ўз юрти, ўз Ватанини онам деб билган бошқаларчи, оёқости қилганини кўриб, чидаб тура оладими! У кўркув биладими! Азобни ҳис қиладими!

— Ватанпарварлик, ўзни унутмоқ!

Мана шундай ҳис билан Истиқлол учун курашга кирганлардан бири Убайдулло эди. У адвокат даражасини олиб 1913 йили Тошкентга яширинча қайтади.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент «Сувсоз» трести

Сувдан ва шаҳар канализацияси хизматларидан фойдаланганлик учун белгиланган янги нархларнинг 1998 йил 1 мартдан бошлаб кучга кирганлигини (Тошкент шаҳар ҳокимининг 1998 йил 13.02. 59-Ф сонли Фармойишига асосан)

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

СУВ: 1 м3 учун — 85 тийин
КАНАЛИЗАЦИЯ: 1 м3 учун — 51 тийин

Шаҳар сувқувур тармоғидан бир киши учун сарфланадиган бир ойлик сув меъёрлари қуйидагичадир:

КАНАЛИЗАЦИЯСИЗ УЙЛАРДА:

— ҳовлидаги сув тақсимлагичлар учун — 2,82 м3 — 2 сўм 38 тийин
— шунинг ўзи, ҳожатхонада (унитаз) билан 4,65 м3 — 3 сўм 91 тийин
— ичкарига ўтказилган сувқувур тармоғи, ювиш чаноғи (раковина) билан 3,66 м3 — 3 сўм 15 тийин
— шунинг ўзи, ҳожатхонада чаноғи (унитаз) билан 5,49 м3 — 4 сўм 68 тийин
— шунинг ўзи, ювиш чаноғи (раковина), ваннахона (ҳаммом) ёки душ билан 6,48 м3 — 5 сўм 53 тийин
— шунинг ўзи, ҳожатхона (унитаз) билан 8,31 м3 — 7 сўм 06 тийин

КАНАЛИЗАЦИЯЛИ УЙЛАРДА:

— ичкарига ўтказилган сувқувур тармоғи, ювиш чаноғи (раковина) билан 4,29 м3 — 5 сўм 84 тийин
— шунинг ўзи, ҳожатхона (унитаз) ва ювиш чаноғи (раковина) билан 5,37 м3 — 7 сўм 34 тийин
— шунинг ўзи, ювиш чаноғи (раковина), ваннахона (ҳаммом) ёки душ билан 7,44 м3 — 10 сўм 06 тийин
— шунинг ўзи, ювиш чаноғи (раковина), ҳожатхона чаноғи (унитаз), ваннахона (ҳаммом) ёки душ билан 8,52 м3 — 11 сўм 57 тийин

МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ИССИҚ СУВ ТАЪМИНОТИГА ЭГА БЎЛГАН КАНАЛИЗАЦИЯЛИ УЙЛАРДА:

— ичкарига ўтказилган сувқувур тармоғи, ювиш чаноғи (раковина), ҳожатхона чаноғи (унитаз), ваннахона ёки душ билан 9,90 м3 — 14 сўм 98 тийин
— ёзги душ учун 1 июндан 1 сентябргача бир кишидан қуйидагича ҳақ тўланади
— 2,2 м3 — 1 сўм 87 тийин (1 ойга)
— енгил машина учун 22 м3 (ювишга) — 18 сўм 70 тийин (1 ойга), 224 сўм 40 тийин — 1 йилга.

ХОНАДОН СУВЎЛЧАГИЧ АСБОБИ ЎРНАТИЛГАН КЎП ҚАВАТЛИ ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ УЧУН:

— сувўлчагич асбобининг кўрсатиши бўйича 1 м3 учун — 1 сўм 51 тийиндан ҳисобидан (канализацияга 30% иссиқ сувни ташлаш ҳисоби билан) сув истеъмол нормативи чегарасида: бир ойга 1 киши учун 9,9 м3.
— сув истеъмоли нормативлари ошган ҳолларда (бир ойга 1 киши учун 9,9 м3) 1 м3 учун таннархи бўйича 2 сўм 37 тийин ҳисобидан.

Сувдан ва шаҳар канализацияси хизматларидан фойдаланганлик учун ҳақни йилнинг ҳар бир чораги тугагандан кейин 10 кундан кечиктирмасдан жамғарма банкининг Тошкент шаҳридаги кирим кассаларигачина тўлаш лозим.

Сувдан ва шаҳар канализацияси хизматларидан фойдаланганлик учун қарзини 1998 й. 10 мартгача узмаган абонентлар жами тўлов пулини янги жорий нархлар бўйича тўлайдилар.

ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН!

Сувдан ва шаҳар канализацияси хизматларидан фойдаланганлик ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда сувқувур тармоғи қўшимча огоҳлантиришларсиз узиб қўйилади.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ!

Томорқа экинларини, йўлкалар, майдонлар ва хиёбонларни сувқувур тармоғи орқали суғориш

ҚАТЪИЙ МАН ҚИЛИНАДИ!

Айрим ҳоллардагина экин-тикинлар ва дарахтларни тунги соатлар (23.00 дан 6.00 гача)да суғоришга рухсат этилади.

Суғориш ҳақи шартномавий нархларнинг икки баравари ҳажмида, яъни:

1 м3га — 5,5 м3 — 9 сўм 35 тийин тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ сув истеъмоли ва канализация хизматидан фойдаланиш, коммунал хизмат бўйича имтиёзга эга бўлган фуқаролардан камайтирилган нархда ҳақ олинади.

Маълумотлар учун телефон: 56-62-45, 56-57-58

ИШГА МАРҲАМАТ!

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ МЕҲНАТ БИРЖАСИ СИЗГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ИШГА ЖОЙЛАШИШГА ЁРДАМ КЎРСАТАДИ:

1. Токарь — маоши 12000 сўм.
2. 5-тоифали универсал токарь — маоши 10000 сўм.
3. 3,4-тоифали электрчи — маоши 6000 сўм.
4. Электрчи — маоши 3000 сўм.
5. 2,4-тоифали тикувчи-мотористка — маоши 2500 сўм.
6. Биринчи тоифали бухгалтер — маоши 3000 сўм.
7. Катта бухгалтер — маоши 4000-7000 сўм.
8. 3,4-тоифали дурадгор — маоши 6000 сўм.
9. 3,4-тоифали бўёқчи — маоши 12000 сўм.
10. Бўёқчи — маоши 8000 сўм.
11. Сувоқчи — маоши 8000 сўм.
12. Тиббиёт ҳамшираси — маоши 1800 сўм.
13. Фаррош — маоши 1500 сўм.
14. Кондуктор — маоши 6700 сўм.

Шунингдек, бир қатор бошқа ихтисосликларга ишга жойлашиш мумкин.

Мурожаат учун манзилимиз: Тошкент шаҳри-69, Собир Раҳимов тумани, Қорасарой кўчаси, 270-уй, 3-қават. 7,8-хоналар. Телефон: 48-43-50.

ТАШКИЛОТ

А-4 бичимидаги қоғозни, ассортиментдаги идора товарларини

СОТАДИ

Нархлар паст, улгуржи чегиртмалар бўлади.
Тел: 35-69-90, 35-28-11.

ТАШКИЛОТ

қаттиқ битум, 4х100, 4х120 катталигидаги михларни

СОТАДИ

Тел: 35-69-00, 35-28-11.

Чилонзор тумани Меҳнат биржаси қошида ташкил этилган «Аз-Дон» корхонаси

ТУГАТИЛАДИ.

Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

● Касса аппарати сотилади. Тел: 64-75-21.
● Тез ва зарарсиз озишни ёки семиришни хоҳлайсизми? Бутунлай соғлом бўлиш ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Тел: 51-38-50.
● Озишни ва ёшаришни хоҳлайсизми? Тел: 93-04-98.
● Юнусобод даҳасининг 4-мавзесида, бозор яқинида, 5/9 қаватли уйлардаги шинам тўрт хонали квартира сотилади. Тел: 24-10-07.
● Телевизорларни уйга бориб таъмирлашга хизмат кўрсатилади. Тел: 116-06-69.
● Тез ва зарарсиз озиш мумкин. Ишончли ва қиммат. Тел: 45-58-05, 191-37-58.

«Ризо-Абад» кичик корхонаси жамоаси корхона директори **Ҳабибулла ХАЛМУҲАМЕДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила эъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

«Музқаймоқ» жамоа корхонаси бош ҳисобчи Т. Т. Масаитовага қизи **Малика МАСАИТОВАнинг** бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика маркази қуйидаги соҳалар бўйича конкурс асосида доимий ишга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Мусиқа ва журналистика соҳалари бўйича мутахассислар.

Олий маълумотли, камида 3 йиллик тажрибага эга услубиётчилар.

Маъмурият

Манзилимиз:
Чилонзор тумани «Лутфий» кўчаси, 10 А уй. Оқ-тепа бекати.
Телефонлар: 78-87-93, 78-74-66

© РИА «Ташкент-Таймс»

МАБЛАРИНГИЗ УЧ БАРОВАР ТЕХАЛИШИНИ ИСТАЙСИЗМИ?

БИЗНИНГ МУТАХАССИСЛАРИМИЗ БУНГА ҚАНДАЙ ЭРИШИШНИ ТУШУНТИРИБ БЕРАДИЛАР.

DAEWOO C&C

КЎНГИРОҚ ҚИЛИНГ: СИЗНИ АЛОҲИДА ИМТИЁЗЛАР КУТМОҚДА.

«Оқшом»

ДУШАНБА, 2

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Хафтанома».
*
8.30 «Дилрабо тароналар».
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Кабутарим».
9.00 «Болаларга бахшида умр».
9.20 «Спорт, спорт, спорт».
9.35 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Қино янгиликлари.
10.20 «Ўзбек киноси иқодкорлари».
10.40 «Бу ҳам кино». Сериал.
11.50 «Ёмад қилдираги». Телевизион ўйин.
12.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
13.05 «Фермер». Телетанлов.
13.30—14.00 Телевизион миниатюралар театри.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Чамандаги гулларимиз».
18.25 «Футбол майдонларида».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 «Бунё умр дерлар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тафаккур ва тақдир».
21.25 «Бархаёт наволар». Таваккал Қодиров.
22.10 «Вазият».
22.25 У. Назаров. «Ойна». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.55 «Ахборот».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Эгиз қушиқлар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Санта-Барбара». Телесериал.
21.45 Қундалик.
22.05 «Дилдаги гаплар».
22.35 «Даракчи» (рус тилида).
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
23.50—23.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ III
18.10 Киноафиша.
18.15 Янгиликлар.

Россия жамоат телевидениеси. 18.20—21.35

21.35 Эълонлар.
21.40 «Каскадёрлар. Моҳирлар ва эпчиллар оламида».

Россия давлат телевидениеси 22.00—22.30

22.30 Эълонлар.
22.35 «Улимга тенг олишув». Бадиий фильм (АҚШ)
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 22.05 Эълонлар.
19.05 «Морена Клара». Телесериал.
19.50 «Жаҳон».
20.10 «Чинор видеоканали: «Рангинкамон».
«Дидар».
20.50 «Дунё эшиги».
21.05 «Умр баҳори».
21.20 «Мусиқали танаффус».
21.25 «Намастэ».
21.45 «Ғўзаллик ва мангулик».
22.10 «Спорт-тайм».
22.40—22.50 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 3

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Қўшиғимда яшар муҳаббат». Фильм-концерт.
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Боржиа узуги». Телесериал. 1-серия.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Сўз сеҳри». Мусиқий дастур.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Адабиёт.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Алифбо сабоқлари.
12.00 «Олам ва одам».
12.20 «Асалари булган экан». Мультфильм.
12.35 «Олимпиадачилар орамизда».
12.50—14.00 «Вертикал». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қуёшда пишган нон». Мультфильм.
18.20 Болалар учун «Фақат 10 дақиқа».
18.30 «Илм ўзлиқни билмақдир».
18.50 О. Эргаш. «Сочин». Теленовелла.
19.05 «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Адабиёт.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Алифбо сабоқлари.
12.00 «Олам ва одам».
12.20 «Асалари булган экан». Мультфильм.
12.35 «Олимпиадачилар орамизда».
12.50—14.00 «Вертикал». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қуёшда пишган нон». Мультфильм.
18.20 Болалар учун «Фақат 10 дақиқа».
18.30 «Илм ўзлиқни билмақдир».
18.50 О. Эргаш. «Сочин». Теленовелла.
19.05 «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Адабиёт.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Алифбо сабоқлари.
21.25 «Умр девони». Мусиқий дастур.
22.00 «Парламент соати».
22.25 «Йиллар ва тақдирлар». Н. Қамбарова.
22.50 «Зирапча». Бадиий фильм.
00.20 «Ахборот».
00.45—00.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Ёвойи ҳайвонот олами».
19.05 «Ғарозу».
19.20 Дилором наволар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Учрашув».
21.30 «Спорт қитъаси».
22.00 «Даракчи».
22.10 Оҳанглар ва эълонлар.
22.25 «Кинонигоҳ». Дэвис Хоппер «Боши берк кўчада» фильмида.
00.15—00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ III
18.15 Янгиликлар.

Россия жамоат телевидениеси. 7.30—9.00

18.20—21.35

21.35 Эълонлар.
21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30

22.30 Эълонлар.
22.35 «Динозавр ҳақида афсона». Фантастик фильм (Япония).
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.55 Эълонлар.
19.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 Мусиқий дақиқалар.
20.15 «Очиқ дарс».
20.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.50 «Телефакт».
21.00 «Моҳир».
21.20 «ТВ-IV да немис тўлқини».
21.40 «Хит-коллекция».
22.00 Қувноқ кино.
22.30 «Тақлифлар ва ташрифлар».
23.45—23.55 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 4

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
8.50 «Нуроний». Тележурнал.
9.15 «Боржиа узуги». Телесериал. 2-серия.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Бола дунёни тебратар».
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
11.45 «Аср сўнгида». Адабий кўрсатув.
17.05 Ўзбек қўшиқларидан концерт.
12.35 «Нофелет қаерда?». Бадиий фильм.
14.05—14.25 Қишлоқ стадионларида.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Кўнгироқча».
18.30 «Фан фидойиси».
19.00 «Бу ёруғ оламда Ватан битталар...».
19.05 «Ёшлик» студияси. «Аудитория».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таянч нуқтаси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Чорбоғ манзараси». «Ўзбектелефильм» премьераси.
21.30 «Сиёсат оламида».
21.50 «Ўзбекистон бастакорлари». Мусиқий дастур.
22.25 «Сеҳрли шуъла». Кинокўрсатув.
22.45 «Дунё адабиёти».
23.05 «Юлдузингни бер, осмон». Бадиий фильм.
00.25 «Ахборот».
00.50—00.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 Жаҳон халқлари эртаклари.
18.35 «ХХ аср ноиётлари». Телесериал.
19.05 «Авлод».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ғазал соғинчи».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қулгуа нима етсин».
21.15 «Ҳудуд». «Тошаббус—97». Тошкент шаҳар тадбиркорлар таклиф этади.
21.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.30 «Даракчи» (рус тилида).
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 «Буюк изкуварлар. Коломбо». Сериал.
00.20—00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ III
18.15 Янгиликлар.

Россия жамоат телевидениеси. 7.30—9.00

18.20—21.35

21.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30

22.30 Эълонлар.
22.35 «Динозаврнинг қайтиши». Бадиий фильм (Япония).
00.10—00.30 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.20 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Мезон».
20.30 «Нафосат гулшани».
21.05 «Ҳуқуқ ва бурч».
21.20 «Автосалтанат».
21.35 «Мусиқий дақиқалар».
21.40 «Умидим қолди».
22.10 «Дилрабо тароналар».
22.25 У. Умарбеков. «Қиёмат қарз». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.25 «Дурдаршан».
23.55—00.05 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 5

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Қўйлардан қўшиқларга.
9.00 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.
9.15 «Боржиа узуги». Телесериал. 3-серия.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Ўзбекистон тарихи.
11.00 Она тили.
*
11.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
11.50 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.10 «Талаба ва спорт».
12.30 «Ҳамад қаерда?». Бадиий фильм.
14.05—14.25 «Ҳараён».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Алпомишлар ҳамиша ғолиб». Алпомиш достонининг 1000 йиллигига.
18.35 «Ҳидоят сари».
18.55 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Муаллим». Видеофильм премьераси.
21.50 «Равзаи жаннат боғи». Мусиқий дастур.
22.30 «Битик». Публицистик кўрсатув.
22.55 «Ешлар табассуми».
23.15 «Умр мазмуни». И. Ғофуров.
23.40 «Ахборот».
00.05—00.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Аралаш-куралаш».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 Дилнавоз садолар.
18.55 «Катта танаффус». Телўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Билиб қўйган яхши».
20.10 «Сир».
20.30 «Ахборот».
21.00 Мутойиба.
21.25 «Одобнома».
21.35 Оилавий экран. «Қасоскор қиз». 1-серия (Хиндистон).
22.50 «Даракчи».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Оилавий экран. «Қасоскор қиз». 2-серия.
00.25—00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ III
18.15 Янгиликлар.

Россия жамоат телевидениеси. 7.30—9.00

18.20—21.35

21.35 «Ассалом, мусиқа!». Мусиқий кўрсатув.

Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30

22.30 Эълонлар.
22.35 «Хавфли рахмдиллик». Бадиий фильм. 1-серия. (Франция).
24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 22.10 Эълонлар.
19.05 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.50 «02» тўлқинида.
20.05 «Ракурс».
20.35 «7 дан 70 гача».
21.00 «Интерспорт».
21.20 «Каталог».
21.35 «Мусиқий Олимп».
22.15 «Киносалон».
23.15—23.25 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 6

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Мусиқа ва театр».
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Боржиа узуги». Телесериал. 4-серия.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Халқ ижодиёти». Алпомиш достонининг 1000 йиллигига.
10.30 Немис тили.
11.00 «Аёл билан жилвагар олам». Публицистик кўрсатув.
11.30 «Ҳорлар — болаларга».
11.50 «Ўзбекистон ва жаҳон».
12.05 «Осмондан тушган меросс». Бадиий фильм.
13.25 «Равзаи жаннат боғи». Мусиқий дастур.
14.05—14.25 «Маърифат маскани».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кўдуқ». Мультфильм.
18.20 Болалар учун «Ҳикматлар ҳазинаси».
18.45 «Жасорат». Телеочерк.
19.00 «Нафосат гулшани». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Теннис-клуб».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Туркистон» саройи. **Халқаро хотин-қизлар қунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.**
23.05 «Сен баҳорни соғинмадингми?».
23.25 «Жавҳар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.45 Спорт. Спорт. Спорт.
«Аср муъжизаси» кинодастури.
24.00 Кино янгиликлари.
00.15 Жаҳон киноси қолдузлари.
00.35 «Бу ҳам қиёс». Сериал.
01.45—01.50 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ II
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ё ким? Бу нима?».
9.15 «Ёрилтош». Мультўплам.
9.40 «Ғазал соғинчи».
10.00 «Таурас қуч тўпламоқда». Телесериал.
10.45 Дилбарим.
10.55 Болалар экрани. «Ўйинчоқлар мамлакатига саёҳат».
12.15 «Мафтункор чехралар. Байрам сони.
13.15 «Спорт қитъаси».
13.45 «Қулдаста». Мусиқий дастур.
«Якшанбада яхши дам» дастури.
14.00 Кўрсатувлар дастури.
14.05 Жаҳон халқлари эстрадаси.
14.30 «Саҳсет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.10 «Интер-футбол».
15.45 «Таъзим». Мусиқий дастур.
16.15 «Бари ҳазил».
16.25 Мультипанорама.
16.55 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
17.40 «Келгуси ҳафтада».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сув ости дунёсига саёҳат».
18.30 Тез дақиқа спорт ҳақида.
18.50 «Жаҳон».
19.10 Тақвим.
19.20 Оҳанглар ва эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 — Эълонлар.
20.05 «Изҳор».
20.30 «Хафтанома».
21.00 «Нафосат даврасида».
21.40 «Даракчи».
21.50 «Сенга ёхтадар тахт тиларман».
22.15 Бенни Хил шоуси.
22.50 Келгуси ҳафтада.
23.50 Якшанба киноэзали. «Булутлар бағрида сайр».
00.15—00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ III
17.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 17.50—00.10
*
00.10 Эълонлар.
00.15—00.40 «Панорама» (рус тилида)
21.20 «Ривоят».
21.30 «Маслаҳат».
21.50 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.35 «Даракчи».
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 Бокс. Бокс. Бокс.
23.15 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
00.40—00.45 «Тунингиз хайрли бўлсин!»

ЎзТВ III
18.15 Янгиликлар.

Россия жамоат телевидениеси. 7.30—9.00

18.20 — 21.35

21.35 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.

Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30

22.30 Эълонлар.
22.35 «Хавфли рахмдиллик». Бадиий фильм. 2-серия.
24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.40 Эълонлар.
19.05 «Морена Клара». Телесериал.
19.45 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.05 «Ўй остонадан бошланади».
20.35 «Саломат бўлинг».
20.50 «Наволарда аён этсам».
21.10 «Дурдаршан».
21.45 Кинематограф. «Оролга қайт». Араб эстрадаси.
23.05—23.45 «Мунаввар тонг истаб».

ЭФИР — БАНДА

ДУШАНБА, 2

16.00 ГА ҚАДАР ПРОФИЛАКТИКА.
16.25 Кўрсатувлар тартиби.
16.30 «Меросхўр». Телесериал (Бразилия).
17.30 «Қўшни қизлар». Ўсмирлар учун телесериал (Франция).
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал (Франция).
18.50 «Лабиринт». Телесериал (Бразилия).
19.45 «Спорт-курьер».
20.00 «ТВ-ҳамкор».
20.20 «Алондра». Телесериал. (Мексика).
21.00 «Клип-сюрприз».
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Ухлаётган полициячини уйғотманг». Драматик триллер.
23.10 «Авлиё». Детектив сериал (АҚШ).
Ярим тундан сўнг «30-канал»да:
24.00 «Мангу даъват». Тарихий драма. 11-серия.
01.15 «Спорт-курьер».

СЕШАНБА, 3

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 «Юлдузлар ёғилганда». Мусиқий дастур.
10.30 Тонгги сериал.
11.00 «Мангу даъват». Тарихий драма. 5 — 6-сериялар.
13.00 «Касби — шифокор». Телесериал.
14.00 «ТВ-ҳамкор».
14.20 «Кречинскийнинг тўйи». Мелодрама. 1-серия.
15.25 «Хит-коктейль». Мусиқий дастур.
15.50 «Карапуз-ТВ».
16.15 «Мусиқий коллекция».
16.30 «Меросхўр». Телесериал.
17.30 «Қўшни қизлар». Ўсмирлар учун телесериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.50 «Лабиринт». Телесериал.
19.45 «Спорт-курьер».
20.00 «ТВ- ҳамкор».
20.20 «Алондра». Телесериал.
21.00 «Клип-сюрприз».
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Менекеншицалар жаннатда». Комедия.
23.10 «Авлиё». Детектив сериал.
Ярим тундан сўнг «30-канал»да:
24.00 «Мангу даъват». Тарихий драма. 12-серия.
01.10 «Спорт-курьер».

ЧОРШАНБА, 4

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 «МИХ». Дам олиш дастури.
10.30 Тонгги сериал.
11.00 «Мангу даъват». Тарихий драма. 7 ва 8 сериялар.
13.00 «Касби-шифокор». Телесериал.
14.00 «ТВ-ҳамкор».
14.20 «Кречинскийнинг тўйи». Мелодрама. 2-серия.
15.50 «Карапуз-ТВ».
16.15 «Глашанинг эртаклари».
16.30 «Меросхўр». Телесериал.
17.30 «Қўшни қизлар». Ўсмирлар учун телесериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.50 «Лабиринт». Телесериал.
19.45 «Спорт-курьер».
20.00 «ТВ -ҳамкор».
20.20 «Алондра». Телесериал.
21.00 «Клип-сюрприз».
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Спираль». Психологик драма.
23.10 «Авлиё». Детектив сериал.
Ярим тундан сўнг «30-канал»да:
24.00 «Мангу даъват». Тарихий драма. 14-серия.
01.10 «Спорт-курьер».

ЖУМА, 6

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 «Мусиқамоқ». Мусиқий дастур.
10.30 Тонгги сериал.
11.00 «Сирли». Психологик драма.
12.40 «Хит-коктейль».
13.00 «Касби — шифокор». Телесериал.
14.00 «ТВ-ҳамкор».
14.20 «Ҳақиқий инглизча қотиллик». Детектив. 2-серия.
15.40 «Хит-коктейль».
15.50 «Карапуз-ТВ».
16.15 «Оқшом тушишига ҳали бор». ТВ ҳақида кўрсатув.
16.30 «Меросхўр». Телесериал.
17.30 «Қўшни қизлар». Ўсмирлар учун сериал.
18.00 «ТВ -ҳамкор».
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.50 «Лабиринт». Телесериал.
19.45 «Спорт-курьер».
20.00 «ТВ-ҳамкор».
20.20 «Алондра». Телесериал.
21.00 «Клип-сюрприз».
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Ишбилармон кишилар». Комедия.
23.10 «Авлиё». Детектив сериал.
Ярим тундан сўнг «30-канал»да:
24.00 «Мангу даъват». Тарихий драма. 15-серия.
01.10 «Спорт-курьер».

ШАНБА, 7

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 Ҳужжатли кино.
11.00 «Брюс Лазер» тақдим этади: «Полициячининг ҳаёти учун». Детектив.
12.45 «Устозимиз доктор Шпехт». Сериал (Германия).
13.40 «ТВ-ҳамкор».
14.00 «Лос-Анжелес қонуни». Детектив сериал.
15.00 «Малла». Болалар учун фильм.
16.30 «А дан Я гача».
17.00 Мультсериал.
17.30 «Моделлар академияси». Ёшлар учун сериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Манстровлар оиласи». Комик сериал.
19.00 «Махфий материаллар». Телесериал.
19.50 «ТВ-ҳамкор».
20.10 «Альфред Хичкок намойиш этади». Телесериал.
20.40 «Мусқаймоқ». Мусиқий дастур.
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Клип-сюрприз».
21.40 «Ғаройиб воқеалар». Телесериал.
22.10 «Икковлон». Телесериал.
23.05 «Юлдузлар ёғилганда». Мусиқий дастур.
23.30 «Видеомода».
Ярим тундан сўнг «30-канал»да:
24.00 «Учбурчак». Драма.

ЯКШАНБА, 8

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Аёлларга муҳаббат билан». Байрам мусиқий дастури.
10.00 Ҳужжатли кино.
10.30 Ҳужжатли фильм.
11.00 «Настяси тушмагурей!» Болалар учун фильм.
12.15 «Қўйлаётган аёл». Мусиқий фильм.
13.40 «ТВ-ҳамкор».
14.00 «Энг жозибали ва мафтункор». Комедия.
15.30 «Жароҳатланган муҳаббат». Психологик драма.
17.00 «А. Назаров тиббиёт маркази».
17.30 «Моделлар академияси». Ёшлар учун сериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Манстровлар оиласи». Комик сериал.
19.00 «Махфий материаллар». Телесериал.
19.50 «ТВ-ҳамкор».
20.10 «Альфред Хичкок намойиш этади». Телесериал.
20.40 «Висол». Мусиқий дастур.
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Клип-сюрприз».
21.40 «Қордье» Детектив телесериал.
23.05 «XL -music». Мусиқий дастур.
23.30 Спорт кўрсатуви.
Ярим тундан сўнг «30-канал»да:
24.00 «Фестиваллар фестивали». «Олтин каска». Криминал мелодрама.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ДУШАНБА, 2

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.15 — Янгиликлар.
9.15, 18.20 — «Машъум меросс». Сериал.
10.00 «Мўъжизалар майдони».
11.00 «Сиҳат-саломатлик».
11.30, 19.30 — «Куйини топинг».
12.15 «Биргалашиб» дастури.
12.45 Мультфильм.
13.00 «КиВин-98». КВН командаларининг фестивали. 2-қисм.
15.20 Мультсериал.
15.45 «Марафон-15».
16.05 «Юлдузи онлар».
16.40 «Робин Гуднинг янги саргузаштлари». Сериал.
17.10 «...16 ёшгача ва ундан каттала».
17.30 «Оламга саёҳат».
19.05 «Тиғиз пайт».
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Кино чизиғи». Ирина Купченко «Дворянлар уяси» фильмида.
23.45 Евгений Моргуновнинг «Казаклар йиғлаган пайтда» комедияси.
02.20 Футбол. УЕФА кубоги. 1/4 финал. «Аякс»(Голландия) — «Спартак»(Москва).

ЧОРШАНБА, 4

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.15 — Янгиликлар.
9.15, 18.20 — «Машъум меросс». Сериал.
10.00 В. Познернинг «Никобдаги киши» дастури.
10.45 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
11.20 «Хонаки кутубхона».
11.30, 19.30 — «Куйини топинг».
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.00 Наталья Гундарева ва Валентина Тализина «Дульсинея Тобосская» мусиқий комедиясида. 1-серия.
14.25 Татьяна Шмига «Ажойиб кишилар ҳаёти» сериясида.
15.20 Мультсериал.
15.55 «Бахтли тасодиф».
16.40 «Робин Гуднинг янги саргузаштлари». Сериал.
17.10 «...16 ёшгача ва ундан каттала».
19.05 «Тиғиз пайт».
20.00 Душанба куни Познер билан. «Никобдаги киши» дастури.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Полтергейст». Сериал.
22.45 Татьяна Шмига «Ажойиб кишилар ҳаёти» сериясида.
23.20 «Манхэттен трансфер» Москвада.

СЕШАНБА, 3

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.15 — Янгиликлар.
9.15, 18.20 — «Машъум меросс». Сериал.
10.00 В. Познернинг «Никобдаги киши» дастури.
10.45 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
11.20 «Хонаки кутубхона».
11.30, 19.30 — «Куйини топинг».
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.00 «Дульсинея Тобосская». 2-серия.
14.25 Армия дўкони».
15.20 Мультсериал.
15.45 «Қойилмақом давра».
16.15 «Чангалзорлар даъвати».
16.40 «Робин Гуднинг янги саргузаштлари». Сериал.
17.10 «...16 ёшгача ва ундан каттала».
17.30 «Оламга саёҳат».
19.05 «Тиғиз пайт».
19.30 Леонид Ярмольник «Олтин талвасасида» дастурида.
20.10 «Инсон ва қонун».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 Лайза Минелли «Кабаре» фильмида.

ПАЙШАНБА, 5

6.00 «Хайрли тонг!»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 02.00 — Янгиликлар.
9.15, 18.20 — «Машъум меросс». Сериал.
10.00 «Инсон ва қонун».
10.35 «Ҳамма уйдалигида».
11.15 «Хонаки кутубхона».
11,25, 19.30 — «Бу эрмак жониворлар». Телеўйин.
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.00 «Аёлларни асранг». Мусиқий комедия. 1-серия.
14.20 «Иккинчи умр. Қадимий Югория йўллари». Ҳужжатли фильм.
15.20 Мультсериал.
15.45 «Қойилмақом давра».
16.15 «Лего-го!».
16.40 «Робин Гуднинг янги саргузаштлари». Сериал.
17.10 «...16 ёшгача ва ундан каттала».
17.30 «Оламга саёҳат».
19.05 «Тиғиз пайт».
20.00 «Йўқотилганларни эслаб». Лидия Смирнова. Кўрсатувни Г. Скороходов олиб боради.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Яна бир бор севги ҳақида». Ирина Метлицкая ва Николай Ерёменко «Русча стилдаги роман» мелодрамасида.
23.10 «Каскадёрлар. Моҳирлар ва эпчиллар олами». Сериал.
23.40 «Кучукча Барбос ва ғаройиб кросс». Комедия.
23.55 Футбол. Кубок эгалари кубоги. 1/4 финал. «АЕК»(Греция) — «Локомотив» (Москва).

ЖУМА, 6

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 02.10 — Янгиликлар.
9.15, 18.20 — «Машъум меросс». Сериал.
10.05 «Саёҳатчилар клуби».
10.55 Мультфильм.
11.15 «Хонаки кутубхона».
11.25 «Янгра, севимли гармонь!».
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.00 «Аёлларни асранг». 2-серия.
14.10 Мультфильм.
14.30 «Ёмад ёки инглиз тилидан беш баҳо».
15.20 «Узун сочли гўзал Варвара». Фильм-эртак.
16.40 «Сезам кўчаси».
17.10 «50х50». Мусиқий дастур.
17.35 «Оламга саёҳат».
19.10 «Сиҳат-саломатлик».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Буюк изкуварлар: Коломбо «Тугалланмаган роман» детективида.
23.15 «Нигоҳ».
00.05 Тунги кинозал. Вупи Голберг «Енимиздаги йиғитлар» жангари фильмида (1995 й.).

ШАНБА, 7

8.00 Маргарита Терехова ва Михаил Боярский «Ит пичан емас, отга ҳам бермас» мусиқий комедиясида.
9.10, 16.00 — «Аралаш-куралаш» журналидаги қувноқ воқеалар.
9.40 «Лотто-миллион».
9.45 «Руҳоний сўзи». Митрополит Кирилл.
10.00, 15.00, 17.50 — Янгиликлар.
10.10 «Хонаки кутубхона».
10.30 «Мусиқий почта».
11.10 «Каламбур». Ҳажвий журнал.
11.45 «Смак».
12.05 «Бир нодир асар тарихи».
12.30 «Ақлли болалар ва ақлли қизлар».
13.20 Алла Пугачеванинг севимли фильми.
15.20 «Ҳайвонот оламида».
16.25 «Том ва Жерри». Катта мультфильм.
18.15 Комиссар Каттани «Спрут-4» сериалида. 2-серия.
20.10 «Жентльмен-шоу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 Жаҳон киноси. Жулия Робертс ва Ричард Гир «Сарвиноз» машҳур фильмида.
24.00 Биринчи канал коллекцияси. Бриджит Бардо ва Жанн Моро Луи Малянинг «Вива, Мария» саргузашт фильмида.

ЯКШАНБА, 8

8.00 «Ит пичан емас, отга ҳам бермас». 2-серия.
9.10, 17.50 — «Аралаш-куралаш» журналидаги қувноқ воқеалар.
9.25, 16.10, 16.35 — «Дисней-клуб».
9.55 «Спортлото».
10.00, 15.00, 00.10 — Янгиликлар.
10.10 Дм. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.10 «Тонг юлдузи».
12.00 «Армия дўкони».
12.35 Мультфильм.
12.55 Татьяна Доронина «Плюшихадаги уч терак» фильмида.
14.20 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
15.20 «Саёҳатчилар клуби».
17.05 Леонид Якубович «Тарих қилдираги» телеўйинида.
18.25 «98 йил қушиқлари».
19.30, 21.50 — «Олтин серия». «Москва кўз ёшларга ишонмайди». 1, 2-сериялар.
20.55 «Киноафиша».
21.00 «Время».
23.30 «Оқ тўти» клуби.
00.25 «Бўрибосар». Ўткир сюжетли фильм.

ҲАФТАШИК КЎРСАТУВЛАР

2 мартдан 8 мартгача кўриб, дам олинг

ЯКШАНБА, 8

8 МАРТ - ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ